



ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASI AXBOROT TEXNOLOGIYALARI VA KOMMUNIKATSIYALARINI RIVOJLANTIRISH VAZIRLIGI NASHRI

1992-yil martdan chiqa boshlagan

www.xabar.uz

УШБУ СОНДА:

MGovAward

Танлов доирасида икки кунлик воркшоп бўлиб ўтди **3-бет**

БЕШ ТАШАББУС

АКТ вазирлиги Тошкент шаҳридаги Меҳрибонлик уйларига компьютерлар совға қилди **5-бет**

ОБРАЗОВАНИЕ

Руководитель университета ИНХА избран народным депутатом **6-бет**

АХЛОҚ, АДАБ, ОДАМ

Мени нечириглар, болажонларим ёхуд Меҳрибонлик уйдаги ўғирлик **9-бет**

АЛОҚА ОЛАМИДА

Японлар 6G алоқа тизими устида иш бошлади **12-бет**

ИМПИЧМЕНТ

АҚШ президенти устидан суриштирув кетмокда **13-бет**

МАСЛАХАТ

Тог браузерини ўрнатиб олишнинг тўртта муҳим сабаби **16-бет**

АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИ СОҶА ЁШЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ



Президент Шавкат Мирзиёевнинг 2019 йил 27 декабр куни Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда ёшлар билан ўтказган йиғилиши муҳим тарихий аҳамият касб этиб, мамлакатимизда ёшларга оид давлат сиёсати янги bosқичга кўтарилганини кўрсатганди.

18 январь куни эса Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шўҳрат Содиқов соҳа тизимидаги ўқув юртларида таҳсил олаётган ҳамда меҳнат фаолиятини олиб бораётган ёшлар билан Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослаштирилган мактабда учрашув ўтказди. Мулоқотда видеоконференцалоқа орқали вилоятлардаги ёшлар ҳам иштирок этишди.

2-бет

ИНТЕРНЕТ ТЕЗЛИГИ

Ўзбекистонда симли интернет тезлиги 2,2 баравар ошди.

Дунё рейтингда мамлакатимиз симли интернет тезлиги бўйича 108-ўринда — 22,49 Мбит/с.

Мобил интернет тезлиги бўйича эса 134-ўринда — 9,51 Мбит/с.

Бир йил давомида симли интернет тезлиги 12,38 Мбит/с.га кўпайган.



Манба: Speedtest.net

ТАШРИФ

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН ПОЙТАХТИДА ИТ-ПАРК ФИЛИАЛИ ҚУРИЛМОҚДА

Кеча, 23 январь куни 2020 йилда амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида ИТ-Парк томонидан ИТ Center директори Н.Алибеков ва унинг маслаҳатчи Ёқут Гёкхан Нукус шаҳрига ташриф буюришди.

Ташриф давомида ИТ-Парк вакиллари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раиси ўринбосари Ж.Ембергенов ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудий бошқармаси бошлиғи Т.Баекеевлар билан ИТ-Парк ҳудудий филиалининг қурилиши бўйича олиб борилаётган ишлар юзасидан учрашишди. Сўнг, ИТ-Парк филиали қурилишига ажратилган ҳудудни бориб кўришди.

Шунингдек, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университетининг Нукус филиалида меҳмонлар тегишли соҳа ташкилотлари, профессор-ўқитувчилар ва талаба ёшлар билан давра суҳбати қуришди.



ОБУНА-2020

ҚАР ЖУМА ТОНГИНИ
МАЪРИФАТ БИЛАН
ҚАРШИЛАШНИ ИСТАЙСИЗМИ?



УНДА "ХАВАР"ТА ОБУНА БЎЛИНГ!

2 | ҲАРАКАТЛАР СТРАТЕГИЯСИ



АХБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ ВА КОММУНИКАЦИЯЛАРИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВАЗИРИ СОҶА ЁШЛАРИ БИЛАН УЧРАШДИ

➤ **Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 17 январ куни Жаҳон банки вице-президенти Сирил Мюллер бошчилигидаги делегацияни қабул қилди. Учрашувда икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалалари ва устувор йўналишлари муҳокама қилинди. Ўзбекистон ва Жаҳон банки ўртасидаги шериклик бўйича янги узоқ муддатли стратегияни ишлаб чиқишга келишиб олинди.**

➤ **Тошкент шаҳрида 20 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг сайловдан кейинги биринчи мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.**

➤ **Пойтахтимида 20 январ куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг биринчи мажлиси ўтказилди. Унда Президент Шавкат Мирзиёев қатнашди ва парламент юқори палатасининг келгусидаги устувор вазифалари юзасидан нутқ сўзлади. Мажлис иштирокчилари Олий Мажлис юқори палатаси фаолиятини ташкил этиш билан боғлиқ масалаларни кўриб чиқди. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев мамлакат Конституциясининг 93-моддасига мувофиқ Олий Мажлис Сенати Раиси ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни тақдим қилди. Палата аъзоларининг яширин овоз бериш йўли билан Олий Мажлис Сенати Раиси лавозимига Танзила Нарбаева, Сенат Раисининг биринчи ўринбосари лавозимига Содиқ Сафоев, Сенат Раисининг ўринбосари лавозимларига Муса Ерниязов ҳамда Зайниддин Низамходжаевлар сайланди.**

➤ **21 январ куни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлиси бўлиб ўтди. Қўшма мажлисда Бош вазир номзоди ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг яқин ва узоқ истиқболга мўлжалланган ҳаракатлар дастури кўриб чиқилди. Президент Шавкат Мирзиёев янгидан тасдиқланган ҳукумат олдида турган асосий вазифаларга тўхталиб ўтди. Олий Мажлис палаталари Абдулла Ариповни Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига тасдиқлаш тўғрисида қарор қабул қилди.**

➤ **Матбуотда Ўзбекистон Республикаси Президенти имзолаган "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларини тайинлаш тўғрисида"ги фармон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг "Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисида"ги қарорлари эълон қилинди.**



◀1-бет

“Талабалар алмашинув дастури доирасида 2019 йил мобайнида соҳа тизимидаги олий таълим муассасалари томонидан жами 128 нафар ёшлар Жанубий Корея, Италия, Амрити университетининг Бирлашган Араб Амирликлари ва Ҳиндистон кампусига бакалавр, магистратура ҳамда докторантурада ўқишга юборилган.”



Вазир сўз олиб, қатор долзарб масалаларни ўртага ташлади. Хусусан, энг муҳим йўналишлардан бири ахборот технологиялари соҳасида етук кадрлар тайёрлаш эканини қайд этди. Чунки, дунё бўйлаб кун сайин янги ва янги ноу-хаулар юзга келмоқда, жаҳон иқтисодиётининг рақамлашуви ва бошқа кўплаб омиллар технологиялар соҳаси олдига юксак вазифаларни қўймоқда. Ана шу тенденцияни яхши тушунган тизим жамоаси мамлакат ёшларини жаҳон майдонида мустақил ва қатъий ёндашувга эга бўлган, маънавий ва жисмонан баркамол бўлиб етиштирилиши, замонавий юқори технологиялардан фойдаланиш кўникмаларини ошириш масалаларига катта эътибор қаратмоқда.

Мухаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети ва унинг бешта филиали, Тошкент шаҳридаги ИНҲА ва Амрити университети ҳамда Мухаммад ал-Хоразмий номидаги ихтисослашган мактабларда нафақат энг замонавий технологиялар, балки хорижий мутахассисларни жалб қилишга ҳам устувор ма-

сала сифатида қаралади. Ушбу таълим муассасаларида ёшларга муносиб таълим бериш учун 57 нафар хорижий етакчи профессор-ўқитувчилар жалб қилинган.

Бундан ташқари, талабалар алмашинув дастури доирасида 2019 йил мобайнида соҳа тизимидаги олий таълим муассасалари томонидан жами 128 нафар ёшлар Жанубий Корея, Италия, Амрити университетининг Бирлашган Араб Амирликлари ва Ҳиндистон кампусига бакалавр, магистратура ҳамда докторантурада ўқишга юборилган. Бу жараён аънаваний кўриниш олган.

Вазирлик томонидан камида беш йил иш стажига эга бўлган соҳа ходимларидан 100 нафарига олий таълим муассасаларига сўхбат асосида табақалаштирилган тўлов-контракт асосида сиртки ва кечки таълим шаклида 2019/2020 ўқув йилида ўқишга қабул қилиниши учун тавсиянома берилди. Мазкур тавсияномаларнинг 43 фоизи соҳадаги 30 ёшгача бўлган ёш ходимлар хиссасига тўғри келади. Очиқ мулоқот давомида Шўҳрат Содиқов тизимда фаолият олиб бораётган ёшларнинг илмга бўлган иштиёқини кўриб, ушбу кўрсаткични 2020/2021 ўқув йилларида 60 фоизга етказишга ваъда берди.

Мулоқотда ёшларнинг ўз устида ишлаши, изланишларини қўллаб-қувватлаш, меҳнатига яраша рағбатлантириш масалалари бўйича ҳам атрофлича фикрлашилди.

Тизимдаги таълим муассасаларининг иқтидорли, ўқиш жараёни даврида юқори кўрсаткичларга эришяётган талаба ва ўқувчиларини рағбатлантириш мақсадида Вазирлик стипендияси таъсис этилган. Тадбир доирасида танлов ғолиби бўлган қатор иқтидорли талаба ёшларга сертификатлар топширилди.

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан ижтимоий, маънавий-маърифий соҳалардаги ишларни янги тизим асосида йўлга қўйиш бўйича илгари сурилган бешта муҳим ташаббуснинг учинчиси доирасида республи-

ка бўйича 22та Рақамли технологиялар ўқув маркази ташкил этилди.

Ушбу марказларда ёшларга дастурлаш асослари, компютер графикаси, робототехника, веб ва мобил иловалар яратиш ҳамда киберспорт йўналишлари бўйича ўқишлар олиб борилмоқда ва 3000дан ортиқ тингловчилар тегишли кўникмаларга эга бўлиши. Шунингдек, ушбу ишлар давоми натижасида 2020 йил якунигача республикада шундай ўқув марказларини кўпайтириш режалаштирилган.

Учрашувда ёшларнинг ташаббуслари жуда муҳим эканлиги таъкидланди. Тизимда ёшлар билан алоҳида ишлашнинг самарали тизимини йўлга қўйиш, вазирлик тизимидаги раҳбарларга ёшлар масаласини ўзи учун устувор вазифа қилиб белгилаб олиши бўйича тавсиялар берилди.

Мулоқот давомида ёшлар томонидан соҳани ривожлантиришга оид таклифлар, мулоҳазалар билдирилди. Вазир Шўҳрат Содиқов улар томонидан билдирилган танқидий мулоҳазалар юзасидан соҳадаги тегишли корхоналар раҳбарларига топшириқ бераётган экан, айрим иқтидорли ёшларнинг таклифларини шахсан ўзи бафуржа кўриб чиқишга тайёрлигини, лозим топилса, уларнинг амалиётга жорий қилиниши устида иш олиб борилишини қайд этди.

Ёшларнинг мақсад-муддаоларини яқиндан билиш, уларни катта-катта ишларга сафарбар этиш мақсадида ташкил этилган ушбу мулоқот салкам уч соат давом этди, видеоқонференцалоқа орқали вилоятлардаги ёшлар ҳам долзарб таклифлар билдирилди.

“Бундай мулоқотлар жуда зарур эканлиги бугун яна бир қарра намён бўлди. Бугун шу ерда ўз фикрларини билдиришга улгурмаган ёшлар таклиф-мулоҳазаларини ёзма равишда менга юборишлари мумкин, шахсан ўзим кўриб чиқиб, ҳар бирига жавоб қайтараман. Бундан буён мулоқотларимиз аънаваний тус олади”, — деди вазир учрашув якунида.



ПОЧТА ТИЗИМИДА ЭЛЕКТРОН ТИЖОРАТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ БЎЙИЧА ЯПОНИЯЛИКЛАР БИЛАН ФИКР АЛМАШИЛДИ

Жорий йилнинг 21 январ куни Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигида Япония ички ишлар ва коммуникация вазирлигининг Халқаро ҳамкорлик ва почта сиёсати хизматлари Департаменти директори Шухеи Шоджи бошчилигидаги делегацияси вакиллари билан учрашув бўлиб ўтди.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг ўринбосари Б.Олматов меҳмонларни юртимизга ташрифи билан қутлар экан, Ўзбекистон-Япония алоқалари стратегик ҳамкорлик шартномаси асосида ривожланиб бораётганини эътироф этди.

Ахборот технологиялари соҳасидаги бир қатор йирик компаниялар билан узоқ йиллардан буён ўзаро самарали алоқалар ўрнатилгани, энг муҳими икки давлат ўртасидаги муносабатлар ўзаро ишонч асосида тараққий этиб бораётганини таъкидлади.

Шунингдек, делегация аъзоларига мамлакатимизда соҳада амалга оширилаётган инновацион лойиҳалар, тизим олдида турган вазибалар, "Ўзбекистон почтаси" акциядорлик жамиятининг истиқболдаги режалари хусусида батафсил маълумот берилди.

Япония делегацияси раҳбари Шухеи Шоджи Ўзбекистон иқтисодийотида ўсиш юқорилиги, бу ҳозир дунёда кечаётган жараёнларга нисбатан жуда яхши кўрсаткич эканлиги, икки давлат ўртасида почта йўналишида ҳали фойдаланилмаган имкониятлар катталиги, ўзбекистонлик почта мутахассислари билан ўзаро тажриба алмашиш, тизимга жорий этилаётган янги лойиҳалар билан ўртоқлашиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини айтиб ўтди.

Сўхбат чоғида япониялик мутахассислар почта бўлими фаолияти билан танишиш, почта тизимида электрон тижоратни ривожлантириш борасида ҳам ўзаро фикр алмашди.

Икки томонлама учрашувда маҳаллий ва халқаро даражада бизнес инфра-тузилмани шакллантиришда почта хизматининг ўрни билан боғлиқ масалаларда ҳам гаплашилди.

Бундан ташқари, учрашувда ҳамкорлик алоқаларини Бутунжаҳон почта иттифоқи ташкилоти доирасида ривожлантириш масалалари кўриб чиқилди.

MGovAward ТАНЛОВИ ДОИРАСИДА ИККИ КУНЛИК ВОРКШОП БЎЛИБ ЎТДИ

Дастурий ишланмаларнинг сифатини ошириш ва лойиҳаларни такомиллаштириш мақсадида шу йилнинг 18-19 январ кунлари талабалар ва ўқувчилар учун энг яхши MGovAward мобил иловаларини ишлаб чиқиш бўйича республика танлови доирасида икки кунлик интенсив воркшоп бўлиб ўтди.

Ушбу тадбир IT-Парк ва Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети томонидан Бирлашган Араб Амирликларидан бўлган ҳамкорлар ҳамда Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги кўмағида ташкил этилди.

Вилоятлардан ташриф буюрган 60 нафардан ортиқ жамоалар дастурий маҳсулотларни ишлаб чиқаришда кўп йиллик тажрибага эга бўлган мураббийларнинг маърузаларини тинглашди. Шунингдек, тадбир давомида видеотақдимотлар тайёрлаш, тўр яратиш, дастурий таъминотни синовдан ўтказиш ва стартапчилар учун зарур бўлган бошқа мавзуларда мастер-класслар ташкил этилди.

Эслатиб ўтамиз, MGovAward танловига аризаларни қабул қилиш 2020 йил 10 февралгача узайтирилган. Ушбу танловда энг яхши мобил илова ишлаб чиқарувчисига 50 000 доллар, иккинчи ўринга 30 000 ва учинчи ўринга 20 000 доллар тақдим этилади.

Кўйидаги ҳавола бўйича рўйхатдан ўтиш ва ариза бериш мумкин: <https://awards.tra.gov.ue/>



ТАҚДИМОТ

ЯГОНА ИНТЕРАКТИВ ДАВЛАТ ХИЗМАТЛАРИ ПОРТАЛИ МОБИЛ ИЛОВАСИ ВА FACE ID ПРОТОТИПИ ТАҚДИМОТИ ЎТКАЗИЛДИ

Бизнес ва бошқарув республика олий мактабида 21 январ куни бўлиб ўтган матбуот анжуманида Ягона интерактив давлат хизматлари порталининг мобил иловаси ва Face ID прототипи тақдимоти ўтказилди.

Таъкидланишича, мамлакатимиз аҳолисининг 80 фоизи мобил интернетдан фойдаланади ва шу жиҳатдан олиб қараганда, MyGov мобил иловасининг ишга туширилиши интерактив давлат хизматлари кўрсатишда ташланган муҳим қадамдир.

Матбуот анжуманида My.gov.uz мобил иловасининг имкониятлари намойиш этилди ва мобил иловани фақатгина тўлиқ автоматлаштирилган электрон хизматлар, яъни давлат органлари ходимлари иштирокисиз кўрсатиладиган хизматлар жорий этилганини айтиб ўтилди. Мазкур иловалар орасидан йўл ҳаракати қоидаларини бузганлик юзасидан жарималар, шахсий жамғариб бориладиган пенсия ҳисоб варағи ҳолати ҳақида маълумот олиш, СТИРни аниқлаш, иш ҳақи миқдорини тасдиқлаш тўғрисидаги маълумотнома олиш, ком-

мунал хизматлар учун тўловлар ва бошқалар жой олган.

Мисол учун, бошқа ҳеч қарерда жарималар бўйича маълумот олиш имконияти мавжуд бўлмаганлиги хизмат кўрсатилмайдиган. Фақатгина Ягона интерактив давлат хизматлари порталида ЙҲҚ бузилгани учун белгиланган жарималар бўйича маълумотни бепул олиш мумкин. Бунда мазкур хизматдан фойдаланиш учун рўйхатдан ўтгандан сўнг, жарималар ёзилган тақдирда улар тўғрисидаги маълумотлар автоматик тарзда тақдим этилади.

Мобил илова ишлаш жараёнида унда кўрсатиб бориладиган электрон хизматлар сони ошириб борилади.

Ўтган 2019 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президентини ҳузуридаги Лойиҳа бошқаруви миллий агентлигининг Электрон ҳукумат ва рақамли

иқтисодиёт лойиҳаларини бошқариш маркази ва Ягона интегратор UZINFOCOM ҳамкорликда My.gov.uz порталида 49та электрон давлат хизматини жорий этган. Улардан 5таси тўлиқ автоматлаштирилган (пенсия тўғрисида маълумот, ойлик маош тўғрисида маълумот, жарималар ва ҳоказолар).

Маълум қилинишича, ҳозирда ўз ичига туғилишни рўйхатга олиш, фарзанд туғилганда бир марталик нафақа тўланиши, болани мактабгача таълим муассасасига рўйхатга қўйиш каби хизматларни олган композит хизматни жорий этиш устида ишлар олиб бориляпти. Бундай хизматларни йўлга қўйишдан мақсад давлат органларига қайта-қайта бориш ва навбатлар кутиш амалиётини йўқ қилишга қаратилган, дейилмоқда.

MyGov иловаси ҳозирча андроид-қурилмаларга мўлжалланган, ани кўнларда мобил илованинг iOS талқинини ишлаб чиқиш бўйича ишлар олиб бориляпти.

Мобил иловани кўйидаги функционал имкониятлар мавжуд:

- Калит сўзлар бўйича қидирув;
 - Хизматдан фойдаланиш учун юборилган аризаларнинг ҳолати билан танишув;
 - Номингизда бўлган транспорт воситалари ва кўчмас мулк объектларини киритиш;
 - Давлат хизматлари марказларининг жойлашуви тўғрисида геолокация маълумотларини олиш.
- 2020 йил давомида биометрик маълумотлар асосида масофадан туриб қулай усулда аутентификация қилишни жорий этиш режалаштирилган. Бундай усул электрон хизматлардан масофадан туриб осон ва қулай фойдаланиш имкониятини яратди.

4 ТАҚДИРЛАШ

ЁШ АЛОҚАЧИЛАР РАЎБАТЛАНТИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирининг буйруғига кўра, вазирлик ҳамда унинг тизимидаги акциядорлик компаниялари, жамиятлари, корхона, ташкилот ва муассасаларининг меҳнатда алоҳида ўрнатилган кўрсаткичларида АКТ соҳаси ривожига ҳисса қўшиб келган, фаол ва ташаббускор ёш мутахассислари тақдирланди.

Жумладан: Вазирликнинг Жиззах вилояти ҳудудий бошқармаси Электрон ҳукумат тизими ва ахборот технологияларини ривожлантириш бўлими бош мутахассиси Ғиёзов Маҳмуд Валижон ўғли, Вазирликнинг Фарғона вилояти ҳудудий бошқармаси Электрон ҳукумат ва ахборот технологияларини ривожлантириш бўлими бошлиғи Гафуров Юсуфбек Икромович, Вазирликнинг Рақамли иқтисодиётни ривожлантириш бошқармаси иқтисодиёт тармоқларида ахборот технологияларини жорий қилиш бўлими бош мутахассиси Ибрагимов Олимжон Басит ўғли, “Ўзбектелеком” АК Сирдарё филиалининг стандартлаштириш ва сифат менежменти тизими бўйича етакчи муҳандиси Саримсақова Дилдорахон Арипжановна, “Ўзбектелеком” АК Жиззах филиалининг корпоратив мижозларга сотиш гуруҳи 1-тоифали мутахассиси Одилов Орзижон Ҳасан ўғли, “Ўзбектелеком” АК Самарқанд филиалининг корпоратив мижозларга сотиш гуруҳи бошлиғи Турсунов Темур Икромович, “Телекоммуникация транспорт тармоғи” филиали Олтинчи техник боғламасининг станция қурилмалари эксплуатация сектори олий тоифали муҳандиси Тажиббаев Нурғали Сабитович, “ЎзМобайл” филиали Наманган ҳудудий боғламасининг корпоратив мижозлар билан ишлаш гуруҳи бошлиғи Соибжонов Азизбек Илҳомжон ўғли, “Ўзбектелеком” АК Тошкент филиалининг стандартлаштириш ва сифат менежменти тизими бўлими олий тоифали муҳандиси Чоршанбиев Абдумалик Файзиевич, “Ўзбектелеком” АК Навоий ҳудудий боғламасининг коммутация станцияларини эксплуатация қилиш гуруҳи олий тоифали муҳандиси Акрамов Фарух Фахриддин ўғли, “Ўзбектелеком” АК персонал билан ишлаш бошқармасининг кадрлар бўйича олий тоифали инспектори Алимджанова Мадина Мурадовна, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Фарғона филиали бош бухгалтер-



ри Раҳимжонов Ойбекжон Холмирза ўғли, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Рақамли технологияларни ривожлантириш департаментининг техник таъминлаш бўлими етакчи мутахассиси Рзамурадов Камалбек Алиевич, “Ўзбекистон почтаси” АЖ Бухоро филиалининг ахборот технологиялари бўлими бошлиғи Наимов Бехзоджон Садириддин ўғли, ТАТУ Қарши филиали компютер инжиниринг факултети компютер тизимларини лойиҳалаш йўналиши 1-босқич магистранти Қодиров Фарух Эргаш ўғли, ТАТУ ҳузуридаги Рақамли технологиялар ўқув марказининг Тошкент вилояти Бўка тумани филиали директори Абдуқаюмов Илҳомжон Камол ўғли, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК Хоразм радиотелеузастиш маркази техник эксплуатацияни таъминлаш хизмати 1-тоифали муҳандиси Ёқубов Ражаббой Кўпалбой ўғли, “Радиоалоқа, радиоэшиттириш ва телевидение маркази” ДУК Сурхондарё радиотелеузастиш маркази техник эксплуатацияни таъминлаш хизмати 2-тоифали муҳандиси Абдураҳмонов Фазлиддин Чориевич, “Республика маҳсус алоқа боғламаси” ДУК Ҳукумат алоқа хизмати маркази абонент бўлими электромонтёри Мирзобоев Азизжон Усмон ўғли, “Республика маҳсус алоқа боғламаси” ДУК бухгалтерия бўлими 1-тоифали бухгалтери Эргашева Гулноза Худайбергеновна, “Электрон магнит мослашув маркази” ДУК радиочастота тақдиротларини мувофиқлаштириш бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи Ишанходжаев Ойбек

Асрор ўғли, Самарқанд вилояти Электрон магнит мослашув хизмати бошлиғи Қахрамонов Алишер Қахрамонович, “Электрон магнит мослашув маркази” ДУК турғун ва йўлдошли алоқа бўлими 2-тоифали муҳандиси Фейзуллаев Асан Айдарович, “Алском” суғурта компанияси АЖ суғурта захиралари директори Ҳасанов Улуғбек Фарҳод ўғли, “Хавфсиз шаҳар” жамоат тартибига кўмаклашиш маркази истиқболли ривожланиш ва техник инфратузилма бўлими бош мутахассиси Алленов Антон Павлович, Ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш жамғармаси секретар-референт ва иш юритувчиси Ёқубов Ёдгор Фафур ўғли, АТ “Алоқабанк” чакана бизнес департаменти жисмоний шахслар кредит портфелини мониторинг ва таҳлил қилиш бўлими мутахассиси Чартаева Асия Эрсин қизи, “Ўзбекистон телекоммуникация тармоқларини бошқариш республика маркази” ДУК телекоммуникация тармоқларини бошқариш бўлими 2-тоифали муҳандиси Арипова Ширин Бахтияровна, Тошкент шаҳридаги ИНҲА университети рекрутнинг ва кадрларни қайта тайёрлаш бўлими бошлиғи Ҳакимова Диёра Мансурджановна, “UNICON.UZ” – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” ДУК телекоммуникация инфратузилмаси ва почта алоқаси илмий-тадқиқот департаменти интернет технологиялари илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи Сайдиакбаров Сайдиакрол Музаффар ўғли, “UNICON.UZ” – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотла-

ри маркази” ДУК телекоммуникация техник воситаларини сертифицилаштириш синов маркази “Хавфсиз шаҳар” интеграциялашган тизимининг аппарат-дастурий ва техник воситалари синов лабораторияси бошлиғи Зокиржонов Жавоҳир Зоитжон ўғли, “UNICON.UZ” – Фан-техника ва маркетинг тадқиқотлари маркази” ДУК АКТни ривожлантириш ва татбиқ этиш илмий-тадқиқот департаменти АТ-архитектурани ишлаб чиқиш ва техник экспертиза илмий-тадқиқот бўлими бошлиғи Ражабов Диёр Алишер ўғли, “ALOOALOYINA” ДУК смета ҳужжатларини ишлаб чиқиш бўлими бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчиси Абдураҳмонов Шерали Рустамали ўғли, “Дастурий маҳсулотлар ва ахборот технологиялари технология парк дирекцияси” МЧЖ инкубация дастурини ривожлантириш бўйича менежери Максумов Фаррух Фуркатович, “COSCOM” МЧЖ технологиялар департаменти тизим назорати маркази бошлиғи Бегалиев Шухрат Юсупович, “UZDIGITAL-TV” МЧЖ жисмоний шахслар билан ишлаш бўйича абонент бўлими худудлар билан ишлаш бўйича катта оператори Юлдашев Жавоҳир Баҳодир ўғли, Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги АКТ йўналишига оид фанларни чуқурлаштириб ўқитишга ихтисослаштирилган мактаб ўқитувчиси Файзиев Иброҳимжон Икром ўғли, Тошкент шаҳридаги Амрити университети кампус директори ассистенти ва таржимони Синдарова Нилуфар Равшан қизи вазирликнинг ТАШАККУРНОАси билан тақдирланди.

➤ СТИПЕНДИЯ

ИТ талабалари АКТ вазирлигининг стипендияларига сазовор бўлишди

Иқтидорли йигит-қизларни қўллаб-қувватлаш мақсадида Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги жамоат ҳаётида ва илмий изланишларда муваффақият қозонган иқтидорли ёшлар учун маҳсус имтиёзли стипендиялар тақдим этиб келади. Ушбу стипендиялар яқинда Тошкент шаҳридаги ИНҲА университетининг компютер ва дастур инжиниринг факултети 3-босқич талабалари Азам Нуруллаев, Комрониддин Солиев ва Азамат Абдуллаевларга ҳам насиб этди.

Университет ректори вазифасини бажарувчи Музаффар Жалолов стипендияларни табриқлаб, келгуси изланишларида муваффақият ва янги ютуқлар тилади.



АКТ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИГА КОМПЬЮТЕРЛАР СОВҒА ҚИЛДИ



Президент Шавкат Мирзиёев ёшлар билан ишлашни самарали ташкил этиш учун маданият, санъат, спорт, ахборот технологиялари, китоб ўқишга қизиқишни ошириш бўйича бешта муҳим ташаббусни илгари сурган эди.

Шу ташаббусларнинг учинчиси — аҳоли ва ёшлар ўртасида компьютер технологиялари ва интернетдан самарали фойдаланишни ташкил этишга қаратилган ва бу борада Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги бир қатор тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Бу ҳафтанинг муҳим тадбирларидан бири пойтахтимизда жойлашган 21, 23 ва 30-сонли Меҳрибонлик уйларига компьютер жамланмалари тарқатилиши бўлди. Жами 38та компьютер тарқатилиб, тарбияланувчи болажонлар учун компьютер саводхонлиги тўғрақлари ташкил этилади.

Вазирлик тизимидаги корхоналар ҳам савобдан четда қолгани йўқ. “Ўзбектелеком” АК “ТШТ” филиали ҳамда “UZDIGITAL TV” МЧЖ томонидан футбол ва волейбол тўллари, шахмат, шашка ва бошқа спорт анжомлари тақдим этилди.

➔ 26 январь – ХАЛҚАРО ИНТЕРНЕТСИЗ КУН

ЖОНЛИ МУЛОҚОТНИ УНУТМАЙЛИК

Бугунги кунда коммуникация воситалари жамият ҳаётининг ажралмас қисмига айланган. Улар вақтни тежашга, иш фаолиятини тезлаштиришга хизмат қилади. Ахборот, мулоқот ва кўнгил очишнинг энг оммавий манбаларидан бири интернетдир. Баъзи одамлар глобал тармоққа тобе бўлиб улгурган ҳам. Аммо сўнгги йилларда ҳаётнинг виртуаллашишига қарши курашиш учун халқаро байрам нишонланаётганини ҳамма ҳам билмас керак. Бу Халқаро интернетсиз кундир.

Нишонланадиган сана

Интернетсиз халқаро кун ҳар йили январ ойининг охиригача яқшанбасида нишонланади. 2020 йилда бу сана 26 январ кунига тўғри келади. Тадбир Россия, Украина, Беларус ва бошқа мамлакатлар аҳолиси орасида кенг нишонланади.

Ташаббускорлар кимлар?

Тадбир жамоат ташкилотлари фаоллари томонидан нишонланади. Уларга интернет фойдаланувчилари, турли нодавлат жамоалар қўшилишади.

Байрам тарихи ва аънчалари

Ҳозирги кунда мамлакатларида пайдо бўлган. Байрам санаси ва ташаббускори ҳақида аниқ маълумотлар йўқ. Тадқиқотчилар Британия ижтимоий ихтиролар институти томонидан ташкил этилган, деган фикрда. Асосчиси нотижорат-онлайн лойиҳалардан бири бўлганлиги тахмин қилинади. Интернетдан воз кечиш ғояси XXI аср бошларидан жадал оммалаша бошлади. Глобал тармоқдан фаол фойдаланувчилар ушбу ғоя тарафдорлари бўлиши.

Улар тармоққа қарши чиқмаган ҳолда бир кун давомида виртуал мулоқотдан воз кечишни тарғиб қилдилар. Байрам тарафдорлари аънчанавий ҳордиқ йўллари кўллаб-қувватлайдилар. Бу қарашлар собиқ иттифоқ ҳудуди аҳолиси орасида оммалашиб бормоқда.

Шу кунги турли маърифий тадбирлар ўтказилади. Фаоллар жонли мулоқот эҳтиёжи ҳақида чиқишлар қилиб, виртуал мулоқотдан воз кечиш ғоясини илгари суришади. Оммавий ахборот воситалари ҳаракатга таллуқли маълумотлар беради, мавзуга оид материаллар нашр этади, глобал тармоқ ҳақида дастурлар ва филмлар эфирга узатилади. Аънчанани сақлаб қолиш учун иштирокчилар рағбатлантирилади. Тадбирга қаратилган лойиҳаларга маблағ йиғиш учун хайрия тадбирлари уюштирилади. Конференция ва семинарлар ўтказилади. Жамоат ташкилотлари интернетга қарамлик ҳақида бонг урадилар.

Қизиқарли фактлар

Интернетдан воз кечиш ғояси ижтимоий тармоқлар даврдан олдин пайдо бўлган. Чун




ки ўша пайтдаёқ тармоққа қарамлиқнинг аниқ муаммоси мавжуд эди.

1995 йилда америкалик шифокор А.Голдберг интернет-растлиқни руҳий касаллик сифатида тилга олди. Лекин расмий медицина ҳали бундан тан олганича йўқ. Мутахассисларнинг фикрича, дунё бўйлаб фойдаланувчиларнинг 6 фоизи ушбу патологиядан азият чекоқда. Уларнинг катта қисми (10,9 фоизи) Яқин Шарқ мамлакатлари аҳолисига тўғри келади. Шимолий ва Ғарбий Европада энг паст улш – 2,6 фоиз.

Интернет ҳиссий саломатликка ижобий таъсир кўрсатади, дейдиганлар ҳам бор. Уларнинг фикрича, ўрта ва кекса ёшдаги глобал тармоқ фойдаланувчиларида марказий мианинг қарор қабул қилиш, фикрлаш, хотира, ўқиш, кўриш ва нутқ фаолиятини яхшилади.

У.ЙЎЛДОШЕВ тайёрлади



6 ОБРАЗОВАНИЕ

РУКОВОДИТЕЛЬ УНИВЕРСИТЕТА
ИНХА ИЗБРАН НАРОДНЫМ ДЕПУТАТОМ

Музаффар Джалолов, исполняющий обязанности ректора университета ИНХА в Ташкенте, баллотировался в кенгаш народных депутатов восьмого округа «Буёк Ипак Йули» Мирзо-Улугбекского района столицы от партии УзЛиДеп, сообщает пресс-служба вуза.

«Хочу, в первую очередь, поблагодарить людей, которые поверили в меня и отдали свои голоса. С самого начала я не давал несбыточных обещаний: залатать текущие крыши, сделать бесплатным проезд для определенных категорий граждан, построить новые дороги и прочее. Я всегда учился и продолжаю учиться до сих пор. Я убежден, что учиться никогда не поздно, неважно, 5 лет тебе или 60. Человек живет для того, чтобы постигать что-то новое и интересное», — отметил он.

Среди предложений депутата — проект «60+» для бесплатного обучения компьютерной грамотности людей пенсионного возраста. Безвозмездно Музаффар Джалолов намерен обучать и детей из многодетных и малообеспеченных семей вверенных ему махаллей основам программирования.

Сообщается, что преподаватели вуза на постоянной основе готовы проводить тренинги для учителей по



математике, физике, информатике и английскому языку школ Мирзо-Улугбекского района.

Музаффар Джалолов является самым молодым руководителем вуза в республике. На этот пост он был назначен в августе 2018 года. До этого в разное время работал в Министерстве по развитию информационных технологий и ГУП UNICON.UZ. Является выпускником Ташкентского университета информационных технологий. Имеет степень магистра Йонгнамского университета в Южной Корее.

➤ ИНТЕРНЕТ

УЗБЕКСКИЙ ЯЗЫК СТАЛ ДОСТУПЕН
В ОБЪЯВЛЕНИЯХ «ЯНДЕКС.ДИРЕКТА»

Узбекский язык стал доступен в объявлениях «Яндекс.Директа», общается на сайте компании.

С 21 января пользователи могут создавать объявления на узбекском языке. Такие объявления будут показываться в формате баннеров на локальном поиске «Яндекса» — yandex.uz, а также в рекламной сети.

«Реклама на языке местных пользователей поможет доносить сообщения до аудитории, которая не использует русский язык при составлении запросов. Ключевые слова и фразы, описание, названия быстрых ссылок — всё это можно указать на узбекском языке, используя при написании



как латиницу, так и кириллицу», — говорится в сообщении.

Возможность поддерживается в Директе, Коммандере, API и доступна для всех аккаунтов, независимо от выбранной страны и валюты. Например, если при регистрации аккаунта была указана страна «Россия» или «Беларусь», можно создать объявление на узбек-

ском для показа пользователям из Узбекистана.

По-прежнему можно размещать объявления с таргетингом на Узбекистан на русском языке. В «Яндексе» рекомендуют добавить в группу объявлений на двух языках — в этом случае можно эффективнее обрабатывать релевантной рекламой запросы, которые пользователи Узбекистана вводят как на узбекском, так и на русском языках.

«Яндекс» вывел «Директ» на рынок Узбекистана и начал принимать оплату с Uzcard в сентябре 2018 года.

КОРОТКО...



Три вендора контролируют две трети мирового рынка ПК. Аналитики Canalis говорят об отгрузке на мировой рынок в 2019 г. не менее 268,1 млн. настольных систем, ноутбуков и рабочих станций. Результат годичной давности удалось улучшить на 2,7%, что стало первой позитивной динамикой за последние семь лет. Причем, на долю ведущих вендоров — Lenovo, HP, Dell — пришлось две трети общих поставок.

Миллионы пользователей Android 5.1 и ниже находятся в зоне риска. Аналитики «Доктор Веб» опубликовали исследование, посвященное новым образцам семейства троянцев Android.Xiny, известного, по меньшей мере, с 2015 г. Вирусописатели продолжают выпускать новые версии этого троянца, который работает на устройствах под управлением Android до версии 5.1 включительно. Несмотря на свой возраст, старые версии прошивок до сих пор используются в мире, и по данным корпорации Google на 7 мая 2019 г., 25,2% устройств работают под управлением Android 5.1 и ниже. Это значит, что около четверти всех Android-устройств являются потенциальными целями злоумышленников.

Huawei активнее перетягивает разработчиков мобильных приложений. Компания Huawei выпустила набор сервисов HMS Core 4.0, который должен позволить разработчикам приложений повысить эффективность и скорость разработки приложений, а также улучшить их монетизацию. HMS (Huawei Mobile Services) Core — это платформа, которая обеспечивает широкую базу открытых API экосистемы Huawei и способствует лучшей организации бизнес-процессов при создании приложений благодаря инструментам для их разработки и тестирования.

В настоящее время в Huawei зарегистрировано более 1,3 млн. разработчиков, а к HMS Core подключено более 55 тыс. приложений.

Internet Explorer обнаружена уязвимость. Корпорация Microsoft заявила о серьезной уязвимости в браузере Internet Explorer, которая получила идентификатор CVE-2020-0674. Она позволяет хакерам удаленно выполнять код с использованием библиотеки JScript.dll. В настоящее время создается патч безопасности, который должен закрыть эту уязвимость.

В 2019 г. отмечен спад мирового рынка серверов. По итогам 2019 г. аналитики из Digitimes Research зафиксировали снижение глобальных поставок серверов на 1,4% «YoY». Более ранние прогнозы говорили о спаде в размере 4-5%, однако хороший результат финальной календарной четверти заставил пересмотреть ранее обнародованные цифры в сторону улучшения.

Тем не менее, уже в нынешнем году ожидается возвращение рынка в плюс за счет значительного спроса сектора ЦОД, в частности со стороны четырех ключевых datacenter-операторов США. Таким образом, позитивная динамика достигнет 6,6% «YoY» и приведет к отгрузке не менее 16,01 млн. серверов.

➤ БЕЗОПАСНОСТЬ

ЦЕНТРАЛЬНЫЙ БАНК ОПУБЛИКОВАЛ
СООБЩЕНИЕ О ФЕЙКЕ В TELEGRAM

Центральный банк опубликовал срочное сообщение о деятельности Telegram-канала «Markaziy bank aksiyasi» (акция Центрального банка).

Регулятор сообщил, что информация, распространяемая этим каналом, не имеет никакого отношения к Центральному банку и является недостоверной.

«Факт неправомерной деятельности от имени официального органа является грубым нарушением действующего законодательства и будет передан для рассмотрения в правоохранительные органы республики», — говорится в сообщении.

В канале, о котором идет речь, предлагаются различные денежные вознаграждения за добавление людей в группы. При этом неизвестные действуют от имени Центрального банка с использованием его логотипа.

➤ ОНЛАЙН УСЛУГИ

UZAUTO MOTORS ЗАПУСТИЛА
ОТСЛЕЖИВАНИЕ ЗАКАЗА НА САЙТЕ

UzAuto Motors запустила отслеживание заказа на сайте.

Ранее такая возможность предоставлялась только через Telegram-бот @uzautosanoat_bot и приложение Uzavtosavdo.

Начиная с 20 января покупатель может проверить статус по своему договору и на официальном сайте компании UzAuto Motors пройдя по ссылке.

В разделе «Статус по заключенным договорам» необходимо ввести номер ИНН и договора.



'ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ'НИНГ ЁШ ХОДИМЛАРИ 6 ЙЎНАЛИШДА ТАҚДИРЛАНДИ

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникациялари ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов 18 январь кuni "Ўзбектелеком" АК ёш мутахассисларига диплом ва совғалар топширди. Мукофотлар Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг "Ўзбектелеком" АКдаги Етакчилар кенгашининг бта йўналиши бўйича тақсимланди.



Ёшларга оид давлат сиёсатини амалга оширишда ва кенг тарғиб қилишда ёшлар орасида фаоллик кўрсатганлиги учун:

■ **Сардор Набиев** — "Ўзбектелеком" АК халқаро ҳамкорлик ва алоқа операторлари билан ишлаш бошқармаси халқаро алоқа операторлари билан ишлаш бўлими бошлиғи;

■ **Мадина Алимджанова** — "Ўзбектелеком" АК персонал билан ишлаш бошқармаси кадрлар бўйича олий тоифали инспектори.

"Энг узоқ масофага алоқа кабелларини ётқизишга эришган ёш ходим":

■ **Абдурасул Жўраев** — "Ўзбектелеком" АК 5-техник боғ-

ламаси РЛЛ цехи электромонтёри;

■ **Хусанхон Тальватов** — "Ўзбектелеком" АК "ТШТТ" филиали Шайхонтохур тумани ТБТ ва ЖТУ кабелчи-пайвандчиси;

■ **Қодиржон Каримов** — "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали капитал қурилиш ва таъмирлаш участкаси электромонтёри.

"Энг кўп антенна-мачта иншоотларини қуришда иштирок этган ёш ходим":

■ **Абдувоҳид Мадрозиев** — "ЎзМобайл" филиали Фарғона ҳудудий боғламаси тармоқ эксплуатацияси бўлими база станциялари эксплуатацияси гу-

руҳи 2-тоифали муҳандиси;

■ **Абдулазиз Абдуразақов** — "ЎзМобайл" филиали Наманган ҳудудий боғламаси тармоқ эксплуатацияси бўлими база станциялари эксплуатацияси гуруҳи 2-тоифали муҳандиси;

■ **Акmalжон Каримов** — "ЎзМобайл" филиали Андижон ҳудудий боғламаси тармоқ эксплуатацияси бўлими база станциялари эксплуатацияси гуруҳи 1-тоифали муҳандиси.

"Энг кўп мижозларни алоқа тармоғига улаган ёш ходим":

■ **Баҳодиржон Атабаев** — "ЎзМобайл" филиали Фарғона ҳудудий боғламаси ҳудудда тижорий фаолиятни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бўли-

ми абонентларга хизмат кўрсатиш ва сотув гуруҳи бошлиғи;

■ **Бобур Шимбергенов** — "ЎзМобайл" филиали Жисмоний шахслар билан ишлаш хизмати Тошкент шаҳри бўйича сотув ва хизмат кўрсатиш бўлими 2-тоифали мутахассиси;

■ **Анахон Самандарова** — "ЎзМобайл" филиали Хоразм ҳудудий боғламаси ҳудудда тижорий фаолиятни мувофиқлаштириш ва ривожлантириш бўлими абонентларга хизмат кўрсатиш ва сотув гуруҳи 2-тоифали мутахассиси.

"Call-маркази орқали энг кўп мижозларга сифатли хизмат кўрсатган ёш оператор":

■ **Нилуфар Исоқова** — "Ўзбектелеком" АК "СваХКМ" филиали "Кўнғироқларга хизмат кўрсатиш хизмати", "Ахборот маълумот хизмати" гуруҳи 2-тоифали Call-маркази оператори;

■ **Дилбар Норбоева** — "Ўзбектелеком" АК Навоий филиали ахборот маълумот гуруҳи 1-тоифали оператор телефонисти;

■ **Дания Зокирова** — "Ўзбектелеком" АК "СваХКМ" филиали "Техник қўллаб-қувватлаш" хизмати, "Телекоммуникация хизматларини мониторинг қилиш" гуруҳи 1-тоифали Call-маркази оператори.

"Компания хизматларини сотишда энг юқори натижага эришган ёш ходим":

■ **Зухриддин Қорабоев** — "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали Уйчи ТБ тижорат агенти;

■ **Достонбек Аҳмаджонов** — "Ўзбектелеком" АК Тошкент филиали корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш гуруҳи бошлиғи;

■ **Гулбану Бекбулатова** — "Ўзбектелеком" АК Қорақалпоғистон Республикаси филиали корпоратив мижозларга хизмат кўрсатиш гуруҳи 1-тоифали мутахассиси.

"Оммавий ахборот воситаларида энг яхши илмий-таҳлилий мақола":

■ **Гулхан Асророва** — "Ўзбектелеком" АК "ТваПРМ" филиали малака ошириш ва қайта тайёрлаш хизмати мутахассиси;

■ **Алижон Яхшиев** — "Ўзбектелеком" АК Бухоро филиали телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва эксплуатация бўлими бошлиғи;

■ **Иномжон Жамолiddинов** — "Ўзбектелеком" АК Наманган филиали Косонсой туман телекоммуникациялар боғламаси муҳандиси.

Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазири Шухрат Содиқов ватанимиз равнақи йўлидаги самарали меҳнатлари учун ёшларга ўз миннатдорлигини билдириб, уларга келгуси ишларида муваффақият, касбий юксалиш ва ривожланишни тилади.

ЭЪЗОЗ

САМАРҚАНДЛИК ИЛМ ЮЛДУЗИ

Ҳар бир инсон ҳаётда ўзидан бир хайрли амал, солиҳ фарзанд ёки доимо эслаб юрадиган шогирдлар қолдиришни орзу қилади. Биз ҳикоя қиладиган қаҳрамонимиз — Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети Самарқанд филиалининг илмий тадқиқотлар, инновациялар, илмий-педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи **Холида ПРИМОВА** ана шундай олижаноб қалб эгаси.



— Болалигим кўп тенгурларимникидек қувноқ ўтган, дея олимпиадан, — хотирлайди Холида. — Жисмоний камчилигим бўлгани учун дўстларим кам эди, шу боис кўп вақтимни китоб ўқишга сарфлар эдим. Мана, китобга бўлган меҳрим докторлик илмий даражасини олишимга асосий сабаб бўлди. Қолаверса, бошқалардан кам бўлмай билим олишим учун барча шароитларни яратиб берган, сен албатта олима бўласан, деб мени

қўллаб-қувватлаган ота-онам — Анорбой ака ҳамда Турсуной аяларнинг ҳам меҳнатлари, дуолари натижасидир бу ютуқларим.

Илм кишиши сабрли ва кучли бўлиши, мақсадни аниқ қўя олиши кераклигини англаб етган Холида талабалик даврида тинмай ўқиди — изланди. 2005 йили Самарқанд давлат университетини амалий математика йўналиши бўйича тугатиб, ТАТУ Самарқанд филиалининг илк магистри бўлди. 2009 йили эса Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг Математика институти аспирантурасига қабул қилинди. Аспирантлик давридаёқ илмий ишини ҳимоя қилди. Унинг суств шаклан-

ган жараёнлар ҳолатида нокоррект масалаларнинг норавшан моделини қуриш алгоритми ва дастурини ишлаб чиқишга бағишланган илмий ишида асосан классик математикада ишлаб чиқиш қийин бўлган жараёнлар моделлаштирилган. Ушбу жараён суств шаклланган жараён, яъни маълумотлар етарли бўлмаган лингвистик маълумотлар ҳолатига айтилади.

Холида Примова илм йўлида ҳам, ҳаёт сўқмоқларида ҳам ўз онасидек ёнида турган илмий раҳбари Дилноз Муҳаммедиева билан фахрланади: "Устозим илмий ишимни шундай танлаб берганки, докторлик диссертациям PhD ишимнинг мантиқий давоми

бўлди. Докторлик ишимда янги — Z сонлар назарияси орқали маълумотнинг ишончлили даражасини ҳисоблаш ишларини олиб бордим. 2015 йили докторантурага қабул қилиниб, 2018 йили техника фанлари доктори илмий даражасига сазовор бўлдим. Бу даражага эришимда мени доим қўллаб-қувватлаган устозимдан, шунингдек, маслаҳат ва йўл-йўриқларини аямаган барча илм кишиларидан бир умр миннатдорман. Улардан ўрганган борки билимимни илм остонасида турган ёшларга улашишдан чарчамайман".

Ҳозирги кунда қаҳрамонимиз ТАТУ Самарқанд филиали илмий тадқиқотлар, инновациялар, илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлими бошлиғи лавозимида ишлаб келмоқда. Фаолияти даврида унинг ташилотчилиги остида филиалда тўртта илмий-техник конференция ўтказилди, Scopus базасида индексланган журналда мақолалар чиқариш бўйича Маслаҳат маркази ташкил қилинди. Олима ушбу журналда мақолалар чоп

этишда илмий изланувчиларга яқиндан ёрдам бериб келмоқда.

Илмни денгизга қиёслайдиган олима доим изланишда. У Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси "Олима" уюшмасининг "Илм юлдузлари" V интеллектуал кўрик-танлови республика босқичида 1-даражали диплом билан тақдирланган.

Кечаги шогирд Холида Примованинг ўзи бугун устоз. Информатиканинг назарий асослари мутахассислиги бўйича Илмий кенгаш аъзоси. Шу кунгача икки магистр ва олти бакалаврнинг битирув-малакавий ишига раҳбарлик қилган. Айни дамда икки нафар таянч докторантга раҳбарлик қилаётган бўлса, икки шогирди жорий йилда докторантурага кириш учун тайёрланмоқда. Биз ҳамкасбимизни устозлик мартабаси билан кутлаб, бу йўлда ҳам сабр-қаноат, улкан муваффақиятлар тилаймиз.

Олимжон ЯЛФАШЕВ,
ТАТУ Самарқанд филиали доктори

8 МУЛОҲАЗА



МИТТИ ҚУТИЧАНИНГ "ОҲАНРАБОСИ"

ТАНГАНИНГ ИККИНЧИ ТОМОНИДА НИМ ГАПЛАР?

Кейинги вақтларда мобил телефон аталмиш "имкониятлар олами"да имкониятларимиз кенгайгани сайин, унинг ижобий жиҳатларидан кўра салбий таъсирлари ҳақида кўп гапирадиган бўлиб қолдик.

Телеэкранлардаги митти қутичанинг "оҳанрабо"сига берилиш оқибатлари ҳақидаги роликни сиз ҳам кўрган бўлсангиз керак. Яъни, дастурхон атрофида оила аъзолари жамулжам, барча ўзи билан ўзи овора: чойнақдан қуйилган чойнинг пиёладан тошиб кетишидан тортиб, рўзгор юмушларию инсон турмуш тарзидаги турли чалкашликлар ҳақидаги кетма-кет лавҳалар. Биз бу мавзуну янада кенгайтириш фикридан бироз йироқимиз. Балки танганинг иккинчи томони, аниқроғи, кундалик ҳаётимизга телефон — тарбия ва ўқиб-ўрганиш воситаси сифатида ҳам тобора сингиб бораётгани хусусида сўз юритмоқчимиз.

— Тушлик қилиб, кийиниб тур, ўғлим. Мактабга кетадиган вақтинг бўлганида ўзим кўнғироқ қиламан.

15-20 дақиқадан сўн:

— Шоҳрух, мактабингга кетавер. Яхши бориб, яхши ўқиб келгин, ўғлим...

Бу ҳамкасбимиз Нодиранинг телефон орқали ўғлига ҳар куни такрорлайдиган сўзлари. Биз ҳонадошлар бу ҳолга ўрганиб қолганмиз. Баъзан ишлар кўпайиб, Нодира чалгиса: "Шоҳрух билан кўнғироқлашдингизми?" дея эслатиб ҳам қўямиз.

Ишдан қайтаётиб, қўшни келин Камолага дуч келиб қолдим. У телефонда гаплашиб келарди.

— ...Ҳа, ҳа, анча яхши. Витамин дейсизми? Номини SMS қилиб юборинг.



— Узр, ассалому алайкум хола, яхши юрибсизми, уйдагилар тинчми?.. У яна нимадир демоқчи бўлиб оғиз жуфтлаган ҳам эдики, яна телефони жиринглади. Акаси экан, шекилли ҳол-аҳвол сўрашди-да: "Ака, опам кўнғироқ қиялпти", дея телефонининг бошқа бир тугмасини босди. Кутиб қолганимдан хижолат бўлиб: "Опа, Азиза тузук, кейинроқ ўзим кўнғироқ қиламан", дея менга юзланди.

— Синглим поччамни дорихонада кўрган экан, ҳаммага айтган кўринади. Телефонда докторлик қилишяпти. Опа-акаларимнинг болалари меникидан катта, улар анча тажрибали...

Ҳозирги келинларнинг қулоғига телефони ёпишиб қолган, деган ўй билан келаётгандим. Аммо қўшни келиннинг охириги сўзидан кейин шу қафтдеккина қурилма яқинларда ўзаро меҳр-оқибат ришталарини мустаҳкамлашга хизмат қилаётганидан қувониб, кўнглимдаги ғашлик тарқалди.

— Эркиннинг давомати ҳақида телефонимга хабар жўнатиб яхши қилибсиз. Суриштирсам, икки кунинг бирида интернет-кафеда экан. Уйга келгач, роса койдим. Дадаси жуда жаҳли тез одам. Даданга айтиб бераман, деб қўшиб ҳам қўйдим.

— Ҳа айтганча, имтиҳон кунларини ҳам ёзиб юборибсиз, раҳмат!

— Кейинги пайтларда унинг ўзлаштириши ҳам анча пасайди. Утган ҳафта алгебра ўқитувчиси: "Эркин топшириқларнинг бирортасини ҳам бажармабди, бироз тергаб қўйинг", деганди. Илтимос, сиз ҳам дарсларини назорат қилинг.

— Раҳмат, ҳар куни уй вазибаларини бирма-бир текширяман.

— Баҳоларида ўзгариш бор, назоратни сусайтирманг. Хайр.

Бу телеграммдаги суҳбатдошларнинг гап-сўзларидан уларнинг бири ўқитувчи, иккинчиси ўқувчининг онаси эканлигини англагандирсиз.



Ҳамкасбларим билан тушлик қилаётгандик. Улардан бирининг телефони кетма-кет иккита хабар келди. Дугонам хабарларни очар экан, "Катта ўғлим ўқишига етиб борди. Турникетдан хабар келди. Вой, телеграмдаги "6-Т" ота-оналар гуруҳи"га эълон ёзилибди. Қизимнинг синфида эртага мажлис экан. Иш вақтидами, ҳа айтганча, шанбаку, уйда бўламан", — дея хотиржам тортиди.

Бир дугонаминг кизи илмий иш бошлаган. Онаси унинг интилиш, излашишдан, кўп вақти кутубхонада ўтказишдан қувонса-да, баъзи-баъзида кеч қолиб кетишидан хавотир олиб қуюнарди. Яқинда бир тadbирда суҳбатлашиб қолдик. — Уртқоқ, электрон кутубхона тизими ишга тушгани яхши бўлди. Нозима телефони ёрдамида кўп китобларни уйда қийналмай топиб ўқияпти. Тўғри босма шаклига етмайди. Қолаверса, айрим айтиб-белгиларнинг электрон шакли йўқ. Ҳа айтганча, нодир китобларни топиш учун телеграм канали ҳам мавжуд экан. Баъзи китобларни ана шу гуруҳлардагиларнинг ёрдамида топиб ўқияпти. Баъзиларига кутубхонага боради, — деди қувониб.

Унинг сўзларидан телефон айримларнинг "ёшларнинг тарбиясини бузаяпти" деган қарашларининг мутлақо акси, яъни таълим олиш учун кўмакчи бўлаётганидан хурсанд эканлигини англадим.

Гап орасида болаларга нисбатан "Кўз-қулоқ бўлиб туринг", иборасини кўп ишлатамиз. Юқоридаги мисолларда телефонлар бугун айнан ўша кўз ва қулоқ вази-фасини бажараётгани кўриниб турибди.

Мамлакатимизда таълим жараёни янги педтехнологиялар, мультимедия дастурлари, интерфаол дарс усуллари билан кундан кун такомиллашиб бораётган бир пайтда, таълим муассасаларида

турникет хизматининг жорий этилиши ота-оналар кўнглига хотиржамлик бахш этиб, яхши интизом, яъни таълимнинг тарбия билан тўлдиришга хизмат қилмоқда.

Ўқитувчи ва ота-оналар SMS, Telegram хабар орқали боғланиб туриш, телефон ёрдамида электрон кутубхона хизматидан фойдаланиш ёки фарзанди билан доимий алоқада бўлиб, назорат қилиш кимларгадир оддий бир ҳолат бўлиб туюлиши мумкин. Аммо бу "оммавий маданият" деб аталмиш совуқ оқимга қарши сузишда руҳимизга куч бағишловчи янги тўлқин эканлигини тан олишимиз керак.

Дунё дунё бўлибдики, иллат излаган иллат топади, ҳикмат излаган ҳикмат. Бугун ҳар соҳага кириб, тезда ўзига "ипсиз" боғлаган мобил алоқа воситалари юқоридаги сингари ҳолатларда тан оламизми-йўқми эзгуликка хизмат қилмоқда.

Яна бир жиҳати борки, болалар бу замонавий воситаларини севиб улгуршиди. Уларга телефон, интернет ҳақида "Эрта-ю кеч кўзинг шу телефонда, интернетда!" сингари салбий танбехлардан кўра, "Улар — яхши таълим, тарбия воситаси", деган фикримиз ишончлироқ туюлади, бугун. Биз катталар бу ишончдан унумли фойдаланишимиз, "айрилмас уртқоқлари" телефонларини ҳаммиса назорат қилиш, керак бўлса, уларга фикрини ўстирувчи, тафаккурини чархловчи, билим берувчи маълумотларни жойлаш ва фарзандимизда ана шу манбалардан саралаб фойдаланиш маданиятини шакллантиришимиз керак. Бола табиатида турли чекловларга нисбатан қаршилик бўлади. Шу жиҳатни назарга олиб, чекловлар, ман қилишларни кучайтириб юбормаслик керак. Токи, уларнинг дўст деб билганлари яхшиликка хизмат қилиши билан чинакам дўстига айлансин.

Гулноза ТУРҒУНБЕКОВА,
"Xabar" муҳбири

10 ТАХРИРИЯТГА ХАТ КЕЛДИ

МЕҲРНИНГ ҲАМ УВОЛИ БОР

"Xabar" газетасидаги "Ахлоқ, адаб, одам", "Кўзгу", "Бугуннинг гапи", "Сиз нима дейсиз?" рукнларида бериладиган мақолалар орқали ҳамиша ўзимга керакли хулосаларни оламан. Турмуш чорраҳаларида қайси томонга йўлини буришни билмай икки-лаганиб турган ҳамюртларимга қалбимда таскин бераман, хаёлан йўл кўрсатаман. Гоҳида газета саҳифаларида кўтарилган мавзуларнинг қаҳрамони мен эмасмиканман, деган хаёлга ҳам бораман...



Оилавий ҳаётимизнинг бошларида бахтдан сармаст эдим. Уларнинг меҳрибонликларига меҳр билан жавоб беришга ҳаракат қилардим. Орадан йиллар ўтиб уч нафар фарзандли бўлдим. Мен фарзандлар тарбияси ва уй-рўзгор ташвиши билан бўлиб у кишининг меҳрига меҳр билан жавоб беролмадим. Гоҳида жеркиб ташлаган пайтларим ҳам бўлди. Турмуш ўртоғим шунда ҳам менинг қўпол муомаламдан хафа бўлмас, ҳеч нарса бўлмагандай ўша-ўша ширинсўз, мулоим эди. Тўғри, баъзида ач-

чиғи чиққанда сичқоннинг ини минг танга бўлиб кетар, қўл кўтармас, бақириб-чақирмас ҳам ўз ўрнида айтилган аччиқ-аччиқ гаплари, ўринли танбеҳлари туфайли ҳайқардим ҳам. Аммо доимо бизга ғамхўрлик қилиши, уйим-жойим дейиши, касал бўлиб қолса кечалари мижжа қоқмаслиги — барча-барча яхшиликлари бизни мумдай эритиб юборарди. Мен болаларимни боғчага жойлаштириб ишга чиқиб кетдим. Яна эримнинг ғамхўрлигидан фойдаландим. Бирда овқат қилдим, бирда йўқ. Баъзи пайтларим

менга раҳми келиб кийимларини ҳам ўзи ювар, ўзи дазмол қиларди. Мен яна у кишининг раҳмдилликларини су-иистеъмол қилишда давом этавердим. Барибир хафа бўлмайди, деб ўйлаганим учунми ширин сўзимни ҳам аяй бошладим. Туғилган кунларида, байрамларда эсдан чиқарадиган одат чиқардим.

Ана шундай гафлат босгани боис кунларнинг бирида эримнинг юриш-туришида ўзгариш сезиб қолдим. У менга анча безэтибор бўлиб қолганди. Маълум вақт ўтгач ишхонаси-

да бир бева аёлга айланишиб қолганини эшитиб қолдим. Билишимча, у аёл жуда ширинсухан ва меҳрибон, мулоим эмиш. Мен жанжал қилишга етиб бормадим. Аёл бошқа бировга турмушга чиқиб кетди ва ишдан бўшади. Менинг меҳрибон эрим у билан орани бутунлай очиқ қилди. Аммо эндиликда у менга аввалгидек фидойи эмас. Мен унга қанчалик меҳрибонлик қилмай унинг юрагидаги тош эримаяпти. Шунда англадимки, йиллар давомида мен унга қилган эътиборсизлигим, меҳрига меҳр билан жавоб бермаганим қалбидagi муҳаббатни тошга айлантириб қўйган экан. Шунда яна бир нарсани англадимки, нимани қилсанг хор, ўшанга бўласан зор, деган гап бежиз айтилмаган. Ҳаддан ортиқ исроф қилинган меҳрининг ҳам уволи бўларкан. Уволдан кўрқинг, азизлар.

С.ОДИЛОВА,
Тошкент вилояти

РУҲШУНОС ҲУЗУРИДА

КАТТАЛАР ВА БОЛАЛАР

Жиддий эътибор муҳим

— Фарзандларимнинг бири икки, бири тўрт ёшда. Улар уйда ўтиришимга жуда ўрганиб қолишган. Ишга қайтиш учун бир-икки кун уларни боғчага олиб бордим. Лекин фарзандларимнинг боғчага кўникиши қийин бўлди. Турмуш ўртоғимнинг топиши яхши бўлгани учун ишлашимга ҳам унчалик ҳожат йўқ. Аммо олий маълумотли бўла туриб уйда ўтириш...

Т.МАЛИКОВА,
Сирдарё вилояти



Оила даврасида...

— Уч нафар ўғлим бор. Оила даврасида улар билан қандай суҳбатлашим керак, нималарга ургу беришим лозим.

Н.МИРКОМИЛОВ,
Бухоро вилояти

Саодат Йўлдошева: — Дарҳақиқат, аёллар орасида энг кўп тўсиққа дуч келадиган ва оиласига фидойилик кўрсатишдан бебаҳра қоладиганлар — ишлайдиган оналардир. Уларнинг биринчи муаммоси фарзанд тарбияси билан етарлича шуғуллана олмаликларидир. Бу эса онанинг етарлича меҳр беролмаслигига сабаб бўлади. Бола онаси ишлашга мажбур бўлгани учун ҳам уни бегоналарга, яъни боғчага ёки буви, буваларга, холаларга ташлаб кетганини тушунишни истамайди. Мурғак қалбида "Онам мени яхши кўрмагани учун ҳам бошқаларга ташлаб кетяпти", деган тушунча бўлади.

Уч ёшга боласи бор аёлларнинг ишлашини мутахассислар унчалик қўллаб-қувватламайдилар. Чунки бу пайтда болага жиддий парвариш, эътибор ва меҳр лозим. Мазкур даврда болага энг кўп она таъсир ўтказа олиши ҳам тажрибалардан маълум. Бола олам ҳақидаги дастлабки тасаввурларини онасидан ўрганади. Уч ёшда онанинг фарзандга қўрсатган ғамхўрлиги ва эътибори фақат бола учун эмас, она учун ҳам зарурдир. Чунки болани тарбиялаш жараёнида оналик ҳисси аёлнинг шахсиятини шакллантириб, уни камолга етказиши.

Бола уч ёшга тулганида онасига боғлиниш эҳтиёжи камайиб боради. Бу даврда бола мактаб олди ҳаётига мослашади. Ҳатто яхши энага қўлида ёки боғчада тарбияланиши, тенгдошлари орасида улғайиши бола учун фойдали саналади. Бу эса, мактабга чиққанида унинг мазкур ҳаётга мослашиб кетишини енгиллаштиради. Фарзанднинг мактабда ўқиши ишламоқчи бўлган она учун тўсиқ ҳисобланмайди. Аммо она бу пайтда иш вақтини камайтириб боласи мактабга ўрганиб кетгунча у билан шуғулланиши зарур. Чунки бола фанларни яхши ўзлаштира олмай, ўзини омадсиз ҳисоблаганида онасининг кўмагига, далдасига муштоқ бўлади. Онанинг қўллаб-қувватлаши боланинг ўқишларининг муваффақиятли бўлишига, ўзига ишончи ортишига муҳим омил бўлади.

Шоира ОТАМУРОДОВА: — Мутахассислар бир нечта оиладаги муҳитни ўрганишга, кузатувлар натижасида баъзи оилаларга фарзанд асраб олишга рухсат берилибди. Баъзи оилалар эса фарзанд асраб олишга нолайик, деб топилди. Бироқ нолайик деб топилган оилалар орасида, аҳил-иноқ, деб топилган оила ҳам бор экан. Ҳўш, нега бу аҳил оилага фарзанд асраб олишга рухсат берилмабди, деган савол туғилиши мумкин. Мутахассису рухшунослар баҳс-мунозара олиб борилмайдиган, зерикарли оилада ўсиб-улғайган бола жамиятга аралаша олмайдиган, ўз фикр-мушоҳадасига эга бўлмаган бола қатъиятсиз бўлиб вояга етди, деган хулосага келишибди.

Узаро суҳбатлашиб ўтирганимизда бирор машғулот билан банд бўлган болаларнинг биз томонга қараб қўяётганини ҳис қилиб шивирлашиб гаплашамиз. Болалар ҳамма нарсани билишга ҳаракат қилишади, айниқса, тақиқланган нарса улар учун сирли ва қизиқ. Аввало, биз шивирлашиб гаплашиб хато қиламиз. Чунки бу тарзда гаплашимизнинг ўзиёқ уларда шубҳа уйғотади. Умуман болалар олдида биров ҳақида гапириш, муҳокама қилиш яхши эмас. Уларнинг эндигина атроф, олам, одамлар ҳақидаги шаклланиб келаётган дунёқарашиде салбий фикрларни уйғотиб қўйишимиз мумкин. Муаммоларимизни, муҳокамаларимизни улар иштирокисиз ҳал қилишимиз лозим. Баъзида болаларимиз бирор жойга меҳмонга боришса катталар улардан нима ҳақда эшитганини, қўполроқ қилиб айтганда, қандай ғийбатлар бўлганини суриштиришади. Бу ҳам жуда ёмон одат. Бундай ҳолларда биз болаларни иккиюзламачликка, гап ташишга ўргатиб қўямиз. Шунинг учун фарзандларимизга кўчадан эшитган гапларини уйга айтиб келмасликка, мулоҳаза, баҳс-мунозара қилишга одатлантиришимиз, бирор мавзунинг ўртага ташлаб фикрига қизиқишимиз, ўз фикрининг тўғрилигини асослашга ўргатишимиз лозим.

Оила даврасида фарзандларимиз билан ота-боболаримизнинг қилган яхши ишлари, дунёда бўлаётган янгиликлар ёки яхши китоб ҳақида фикрлашса, баҳс-мунозара қилса ва бу аънанани ҳар доим давом эттирсак фойдадан холи бўлмайди. Бундай суҳбатлар фарзандларимизнинг ички оламини янада яхшироқ билишга, уларнинг энг яқин маслаҳатгўйи бўлишимизга, дўстлашимизга йўл очади. Ахир, оила аъзолари ўртасидаги ана шундай самимий суҳбатлар компьютер ва телефондан оладиган "сабoқ"ларидан анча фойдалироқ.

“АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ СОҲАСИ ТАРИХИ ВА МЕРОСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

2019 ЙИЛНИ ҚАНДАЙ ЯКУНЛАДИ?

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди 2008 йилда ўз фаолиятини бошлаб, олдида қўйган мақсад ва вазифаларини босқичма-босқич амалга ошириб келмоқда. Жумладан, соҳа тарихи, ривожланиш ва тараққиёт босқичларини элга танитувчи соҳа музейлари ва уларнинг ҳудудий бўлимларини ташкил этиш, қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш ҳамда уларнинг фаолиятини йўлга қўйиш Жамоат фондининг мақсад ва вазифаларидандир.



Музейда шу кунга қадар 150 мингдан зиёд ҳамюртларимиз ҳамда чет эллик меҳмонларга хизмат кўрсатилди.

Шунингдек, Жамоат фондининг асосий вазифаларидан бири музейларни ташкил этиш, фаолиятини олиб бориш ва кундан-кунга такомиллашиб боришига бошчилик қилишдан иборат. Шундан келиб чиқиб, алоҳида таъкидлаш жоизки, Тошкент шаҳрида ташкил этилган Алоқа тарихи музейи ҳамда қайта реконструкция қилинган Хива Алоқа тарихи музейи ҳозирги кунда ўзбекистондаги соҳавий музейлар орасида юқори савияли ҳамда замон талабларига жавоб бера оладиган музейлар ҳисобланади.

Жамоат фонди ҳамда музейларни шу даражага олиб чиқиш, албатта, соҳа корхона ва ташкилотлари қўшган ҳиссалари маҳсулидир. Музейда шу кунга қадар 150 мингдан зиёд ҳамюртларимиз ҳамда чет эллик меҳмонларга хизмат кўрсатилди. Соҳа музейларнинг асосий вазифаларидан бири ёш авлодда Ватанга бўлган меҳрини кучайтириш, ҳар бир соҳанинг ўзига хос томонларини очиб беришдир.

Жамоат фондининг ўз олдида қўйган мақсад ва вазифаларидан яна бири бўлган “Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди филиалларини ташкил этиш эди ва Фондининг Хоразм, Фарғона ва Тошкент вилоятларидаги филиаллари ташкил этилиб, фаолияти йўлга қўйилди. Хива шаҳридаги Алоқа тарихи музейи доимий равишда Фонд назорати ва кўрсатаётган методик ёрдами асосида фаолият юритиб келмоқда.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлиги 71185-ҳарбий қисмида Ҳарбий алоқа музейини ташкил этишда Жамоат фонди раҳбар ходимлари ва мутахассислари томонидан амалий ва методик ёрдам кўрсатилди. Икки томонлама ҳамкорлик доирасида вақтинчалик сақлаш учун Ҳарбий алоқа музейига захирада сақланаётган бир қанча ноёб экспонатлар топширилди.

Ўзбекистонда музейларга давлат миқёсида эътибор қаратилаётгани барчамизга маълум. Уларнинг халқ маънавий-ахлоқий камолотида тутган ўрнини ошириш, фондларида сақланиб келаётган халқимизнинг бой тарихини, му-

стақиллигимиз одимларини акс эттирувчи ноёб экспонатларни авайлаб асраш, ўрганиш, бойитиб бориш, дунёга олиб чиқиш ва тарғиб қилиш, улардан халқимиз онгида миллий ғурур ва ифтихор, истиқлол ва Ватанга садоқат туйғуларини кучайтириш йўлида кенг фойдаланиш, музейларни замон талабларига мос юқори малакали мутахассислар билан таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаб, жаҳон музейшунослиги тажрибаларини қўллаш зарур шарт-шароитлар яратиш каби вазифалар Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонида (12.01.1998 й. ПФ-1913-сонли) аниқ белгилаб қўйилган.

Фондининг 2020 йил режасига, албатта соҳа корхона ва ташкилотлари ёрдами асосида, Тошкентдаги Алоқа тарихи музейи экспозицияларининг бир қанчасини тубдан янгилаш киритилган.

Фонд ҳамда музей раҳбар ва мутахассисларининг тинимсиз изланишлари ва самарали меҳнатлари натижасида ҳар йили камида учта янги экспозиция яратилиши анъанага кириб улгурган. Жорий йилда ҳам Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг 2019 йил 25 мартдаги “Фахрий алоқачилар” интерфаол экспозициясини ташкил этиш тўғрисидаги 198-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида музейда “Соҳа фахрийлари” номли янги ташкил этилган интерфаол экспозицияси маълумотлар базаси доимий равишда маълумотлар билан тўлдириб борилмоқда. Шунингдек, музейда мавжуд “Beeline” ҳамда “Coscom” МЧЖ мобил алоқа операторлари ўз экспозицияларини янада такомиллаштирдилар, янги “Тоҳир ва Зухра” экспозицияси яратилди.

Яна шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, музей қошида ташкил этилган, энг сўнги технологиялар билан жиҳозланган кинозалда юртимиз ва жаҳон музейларининг виртуал экспозицияси ва халқимизнинг бой маданий мероси тўғрисидаги филмлар доимий равишда ташрифчиларга намойиш этиб борилади.

Музейнинг учинчи қаватида жойлашган, сўнги технологиялар билан жиҳозланган иккита конференция зали ҳозирги кунда соҳанинг ахборот марказига айланган. Ташкил этилаётган ҳар бир йиғилиш ва

анжуман Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг кўрсатмаларига асосан, шунингдек Фонд раҳбарияти ва мутахассислари томонидан тайёргарлик ишлари натижасида таъминланади. 2019 йилда 74та йиғилиш, семинар ва конференциялар ташкил этилди.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ўз харажатларини Вазирлик кенгаши раиси томонидан тасдиқланган смета харажатлари асосида амалга оширади ва ҳар чорак якуни бўйича Вазирлик кенгаши аъзоларига бажарилган ишлар, амалга оширилган чора-тадбирлар ҳамда сарфланган харажатлар тўғрисида маълумот бериб боради.

2019 йил учун смета харажатларида корхона ва ташкилотлар томонидан бегараз молиявий ёрдам кўрсатиш жами 1.107.662,0 минг сўм режалаштирилган бўлиб, 2020 йил 1 январ ҳолатига 1.107.662,0 минг сўм жамоат фондининг ҳисоб рақамига келиб тушди.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ва Алоқа тарихи музейининг 2019 йил учун тасдиқланган харажатлар сметаси бўйича 1.107.662,0 минг сўм режалаштирилган бўлиб, Жамоат фонди ҳамда музей фаолияти ва уларнинг моддий-техника таъминотини яхшилаш, музейни ривожлантириш ва жиҳозлаш учун ҳақиқатда жами сарф қилинган харажатлар эса 1.103.686,0 минг сўмни ташкил қилди. 2020 йил 1 январ ҳолатига жами смета харажатлари бўйича 3.976,0 минг сўм иқтисод қилинди.

Барча харажатлар тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида амалга оширилган.

Ўтказилган танлов асосида Жамоат фонди Вазирлик кенгаши томонидан маъқулланган “IMPULSE-AUDIT” МЧЖ ташкилоти томонидан Жамоат фондининг 2019 йилдаги молиявий фаолиятини текшириш мобайнида корхонанинг барча молиявий фаолияти тасдиқланган кўрсаткичлар доирасида эканлиги қайд этилди.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди фаолиятида шаффофликка эришиш мақсадида, фонд ҳисобрақамига соҳа корхона ва ташкилотлари томонидан келиб тушган маблағ ҳақидаги маълумот ОАВда эълон қилинади.

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ўз фаолиятини 2020 йил учун мўлжалланган Режа-дастурга мувофиқ давом эттиради.

Равшан АСҚАРОВ,
“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди директори

“Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тарихи ва мероси” жамоат фонди ва “Алоқа тарихи музейи”нинг 2020 йил 1 январ ҳолатига даврий харажатлари тасдиқланган харажатлар сметаси доирасида ишлатилган (минг сўм)

Моддалар номи	2019 йил учун тасдиқланган смета харажатлари режаси	2019 йил учун тасдиқланган смета харажатлари ҳақиқатда
Меҳнатга ҳақ тўлаш фонди	732 372,0	730 827,0
Иш ҳақидан ҳисобланган тўловлар	110 328,0	107 897,0
Музейни ривожлантириш, музей жиҳозларини янгилаш ва бошқа харажатлар	264 962,0	264 962,0
ЖАМИ	1 107 662,0	1 103 686,0

12 | АЛОҚА ОЛАМИДА



6G


Японлар 6G алоқа тизими устида иш бошлади

Японияда олтинчи авлод алоқа тизими — 6Gни жорий этишга ҳозирлик бошланди. Ўн йилдан сўнг — 2030 йилда бу тармоқ ишга туширилади.

Ҳозир техник мутахассислар, хусусий бизнес ва турли идоралар вакиллари иборат экспертлар кенгаши тuzилмоқда. 2020 йил ёзигача экспертлар янги форматга ўтишнинг комплекс стратегиясини ишлаб чиқишди, дейилади NHK хабариди.

Бешинчи авлод алоқа тизими (5G)ни кенг жорий этишга Япония шу йил баҳориди киришади. "Кунчиқар юрт" 5Gни татбиқ этиш борасида Жанубий Корея ва АҚШдан ортдан қолаётгани.

Маълумот учун: Кр.гу ёзишча, 2025 йилга бориб Россия аҳолисининг 80 фоизи бешинчи авлод алоқа тармоқларидан фойдаланишга ўтади ва мамлакат бу борада МДХда етакчига айланади. Худди шу йили Ўзбекистон, Беларус, Озарбайжон ва Грузияда ҳам 5Gдан фойдаланиш мумкин бўлади. МДХ мамлакатларида нарсалар интернетига улашиш учун ҳисса олиб, 2025 йилда абонентлар жами сони 660 миллион нафарга етиши кутилмоқда.



5G

Метеорологлар 5Gдан хавотирда

Бешинчи авлод мобил алоқа стандарти (5G) жорий этилса, атмосферани ўрганишга ҳамда об-ҳаво прогнозлари аниқлигига салбий таъсирини ўтказадими? Euronews ёзишча, метеорологлар ана шундан хавотирда.

Гап шундаки, 5G-тармоқлар ҳаво намлиги ҳақида маълумот тўпловчи микротўлқинли радиометрларга ҳалақит ҳосил қилиши мумкин. Ёғин ёғишини олдиндан аниқлашда қўлланувчи атмосфера намлигини таҳлил қилувчи радиолокацион таҳлилда 24 Гцга яқин диапазондан фойдаланилади.

"24 Гцда сув буғи таралиши жуда кучсиз бўлгани учун уни жуда сезувчан асбоблардагина тутиш мумкин. Биз сув молекулаларига бошқа частоталарга ўтинлар деёлмаймизку. Ҳолбуки, 5G мобил алоқаси учун бошқа диапазонлардан ҳам фойдаланиш мумкин. Аммо алоқачилар худди шу



диапазонга ёпишиб олишган", — дейди венгер метеорологи Беа Сабо.

Бешинчи авлод мобил қурилмалари ишлаб чиқаришда етакчилардан саналган Huawei компанияси Euronewsнинг Венгриядаги бўлимига маълум қилишча, бу мамлакатда 5G учун 26 Гц частотадан фойдаланишга рухсат этилган. Венгрия алоқа ва ОАВ агентлиги маълумотларига кўра, 5G учун ажратилган бошқа частоталар метеорологлар ишлатаётган частоталардан янаям узокроқ.

Жаҳонда 5Gнинг ягона стандарти ҳозирча мавжуд эмас. Энг истиқболлиси сифатида 3,4-3,8 Гц диапазонидигилари қўрилмоқда.

ҚУВВАТ МАНБАИ

Графенли аккумуляторлар чиқарилади

АҚШнинг Real Graphene компанияси тез орада графенли аккумуляторларни кенг қўламда ишлаб чиқаришга киришади.

Янги тоифа аккумуляторлар ҳозир ишлатилаётган литийлиридан анчагина устунликка эга. Асосий афзаллиги қувват олишга кам вақт сарфлаши ва қувватлиниш цикллари кўплиги, масалан, литийли батареялар ўртача 500 марта қувват олишга мўлжалланган, графенлирида бу кўрсаткич 1500га тенг. Қолаверса, графенли аккумуляторлар хавфсизроқ ҳам саналади.



КОМПАНИЯЛАР

Alphabet капиталлашуви — триллион доллар

Google компаниясининг "она компанияси" — Alphabet холдингининг капиталлашуви 1 трлн. долларга етди, деб ёзмоқда Financial Times нашри.

Alphabet акциялари нархи 16 январда биржадаги савдолар ёпилишдан олдин 0,8 фоизга кўтарилиб, 1450,16 долларга етган.

Энди Alphabet ҳам капиталлашуви 1 трлн. долларлик доводдан ошган Apple, Amazon ва Microsoft компаниялар қаторида.

Alphabet акциялари 2020 йил бошидан бери 7,5 фоизга, 2019 йил давомида эса 28 фоизга қўмнатлашган.

eMarketer тадқиқот компанияси маълумотларига кўра, Google ҳисобига 2019 йилда АҚШдаги қидирув тизимларидаги рекламанинг 73 фоизи,



дунё бўйича умумий рақамли рекламанинг 31 фоизи тўри келган. 2019 йил 3-чорагида компаниянинг тушуми 40,5 млрд. долларни ташкил қилган. Бу эса 2018 йилдаги кўрсаткичга нисбатан 20 фоиз кўпроқ бўлган.

"Триллионер компаниялар" клубига АҚШ компанияларидан биринчи бўлиб Apple кирган. Унинг бозор нархи 2018 йил 2 августда 1 трлн. доллардан ошган. Ҳозирда компаниянинг капиталлашуви 1,41 трлн. долларни ташкил қилмоқда.

Appleдан кейин триллион долларлик қийматга эришган компания Microsoft бўлди. Унинг капиталлашуви 2019 йил апрелда триллион долларлик қийматдан ўтиб, ҳозирда 1,25 трлн. долларни ташкил қилмоқда.

1 трлн. долларлик чегарадан ўтган яна битта компания Amazon холдинги ҳисобланади. Бирок айтиш жоиз, у "триллионер компания" мақомини ўзида сақлаб қололмаган. Ҳозирда унинг қиймати 938 млрд доллар атрофида сақланиб турибди.

Яна бир маълумот: 2019 йил 11 декабрда Саудия Арабистонининг Saudi Agamco давлат нефт компанияси ўз акцияларини биржага жойлаштиргандан кейин унинг қиймати 2 трлн. долларга кўтарилиб кетганди.

ХАВФСИЗЛИК

Телефон батареясининг қувватини "ёб қўювчи" 17та андроид-илова аниқланди

Bitdefender антивирус компанияси смартфонларнинг аккумуляторлари қувватини тез тугатиб қўядиган 17та андроид-иловани аниқлади. Уларнинг тўлиқ рўйхати компания сайтида маълум қилинди.

Улар ҳар хил: офис иловаларидан тортиб — ўйинларгача, барчасида реклама намоиш этувчи махсус алгоритмлар бор. Ўрнатилганидан сўнг, дастлабки 48 соатда рекламалар кам-камдан кўрсатилади, кейин эса сони кескин ошиб кетади.

Қолаверса, рекламалар берилиши бетартиблиги боис, андроид хавфсизлик воситалари уларни аниқлаш, манба-иловаларни топишда қийналади.

Мутахассисларга кўра, рўйхатга киритилган 17 илова "зарар етказувчи" эмас, балки "потенциал хавфли" сифатида таснифланган. Улар номи ёки функциясида кўрсатилган вазифа билан эмас, асосан агрессив реклама тарқатиш билан шугулланади. Тинмай реклама оқимининг келиши, турган гапки, аккумулятор кучини олиб қўяди.



17та андроид-илова

1. Car Racing 2019
2. 4K Wallpaper (Background 4K Full HD)
3. Backgrounds 4K HD
4. QR Code Reader & Barcode Scanner Pro
5. File Manager Pro — Manager SD Card/Explorer
6. VMOWO City^ Speed Racing 3D
7. Barcode Scanner
8. Screen Stream Mirroring
9. QR Code - Scan & Read a Barcode
10. Period Tracker - Cycle Ovulation Women's
11. QR & Barcode Scan Reader
12. Wallpapers 4K, Backgrounds HD
13. Transfer Data Smart
14. Explorer File Manager
15. Today Weather Radar
16. Mobnet.io: Big Fish Frenzy
17. Clock LED

АУТЕНТИФИКАЦИЯ

Amazon тўловни карта ўрнига қўл кафти орқали амалга оширомоқчи

Amazon компанияси тўловни қўл кафти орқали амалга ошириш имкониятини берувчи тўлов терминаллари яратишни режалаштирмоқда. Бу ҳақда The Wall Street Journal хабар берди.

Хабарга кўра, Amazon янги терминаллари қарвахона, ресторон ва бошқа савдо нуқталарида ўрнатади. Терминалдан биринчи марта фойдаланганда харидор кафти терминал орқали сканерланади ва у биометрик маълумотларини банкдаги ҳисобрақамига бириктиради. Шундан сўнг харид учун қўл кафтини тегиш орқали тўловни амалга ошириш мумкин бўлади.

Компания яқинда "контактсиз биометрик идентификация тизими"ни патентлаш учун ариза топширган. Терминаллар орқали киритиладиган маълумотлар Amazon булутли маълумотлар базасида сақланади.

Компания тизимини синовдан ўтказиш учун Visa билан ҳамкорликни бошлаган, бу борада Mastercard билан ҳам музокара ўтказилмоқда.



Саҳифани С.ТЕМИРОВ тайёрлади.



ИМПИЧМЕНТ

Президент Трамп устидан суриштирув кетмоқда

АҚШ Сенати 21 январ куни президент Доналд Трамп устидан импичмент тингловини бошлади.

Трамп 2020 йил кузида Америка Қўшма Штатларида бўлиб ўтадиган президентлик сайловида ўзининг асосий рақиби бўлиши кутилаётган Жо Байден ўглининг Украинадаги хаткамчиликларини топиш талаби билан президент Зеленскийга босим ўтказган, демоқда Демократ сиёсатчилар. Доналд Трампнинг ўзи барча айбловларни кескин рад этади.


Қайта сайланиш мақсадида ўзининг сайловдаги асосий рақибини обрўсизлантиришни кўзлаган Трамп истефодага чиқарилиши керак, деган талабни қўётган Демократлар импичмент масаласини Вакиллар палатасида кўтардилар ва иш Сенатга оширилди.

Импичмент бўйича АҚШ Сенати тинглови бошланган вақтда Трампнинг ўзи Давос Жаҳон иқтисодий форумида иштирок этиш учун Швейцарияда эди. Давосда жаноб Трамп ўзига нисбатан айбловлар уйдирма экани ҳақидаги аввалги сўзларини такрорлаган: "Ҳеч нарса бўлмади, чунки ҳеч нарса рўй бермаган", деб айтган у импичмент жараёни ҳақида.

АҚШ тарихида фақат икки президентнигина импичмент йўли билан лавозимидан кетказишга муваффақ бўлинган. Хўш, импичмент билан Трампни президентликдан кетказиб бўладими? Бунинг учун Сенат аъзоларининг учдан икки қисми овози талаб этилади. Лекин Америка сенаторларининг 53 нафари Республикачи, уларнинг импичментни ёқлаб овоз беришлари даргумон, дейилмоқда.

Трамп кимга ёқадю кимга йўқ?

Президент Доналд Трамп АҚШда зиддиятли шахс саналади. Америкалик



ларнинг унга нисбатан муносабати бирибидан кескин фарқ қилиши мумкин. Бироқ дунё бўйлаб Трамп шахси қандай қабул қилинади? Pew Research Center (АҚШда асосланган ижтимоий фикрни ўрганувчи марказ) қайси мамлакатларда президент Трампни севишлари, қайсиларида эса вазият аксинча экани борасида ҳисобот эълон қилди.

Марказ 2019 йилнинг майдан октябрга қадар 33 мамлакатда Трамп шахси бўйича 37 минг инсоннинг фикрини ўрганган. Тадқиқот хулосалари билан танишишдан аввал фикр ўраниш жараёни АҚШ президенти томонидан Эроннинг юқори рутбали генерали Қосим Сулаймонийни йўқ қилишга кўрсатма берилишидан бир неча ой олдин якунига етганини ҳисобга олмоқ зарур.

нисбатан ишонч билдирилган. Трампнинг Жанубий Корея раҳбари Ким Чен Ин билан музокаралар ўтказгани унга энг кўп кўллов олиб келган – 33 мамлакатнинг 41 фоизи ушбу ташаббусни олқишлаган. Бироқ Қўшма Штатларнинг жорий ташқи сиёсати Трампга ишончсизлик билдирилишининг асосий сабабларидан бири бўлган. Бундан ташқари, унинг тарифлар, иқлим ўзгариши, муҳожирлик ва Эрон бўйича олиб бораётган сиёсати дунё бўйлаб қизгин танқидга учраган.

Меркелдан ортда

Pew маркази, бундан ташқари, Доналд Трампнинг бошқа тўрт қудратли давлатлар раҳбарлари орасида ишончлики даражаси қанчалик юқори эканини ҳам ўрганишга ҳаракат қилган.

Россия президенти Владимир Путин, Франция президенти Эману

эл Макрон, Германия канцлери Ангела Меркел, Хитой раҳбари Си Цзинпин ва Доналд Трампга нисбатан ишонч даражаси қиёсланганда, АҚШ президенти фақат тўрт давлатдагина 50 фоиздан юқори овоз йиғалган, холос. Ушбу беш етакчи орасида Ангела Меркел энг юқори натижа қайд этган бўлса, Владимир Путин ва Си Цзинпиннинг обрўи турли мамлакатлар бўйлаб у қадар юқори эмаслиги ойдинлашган. Аммо, кенг тарқалган салбий фикрларга қарамай, жаноб Трампни қўллайдиган мамлакатлар ҳам учраб туради.

Масалан, Африка давлатларини "ахлатхона мамлакатлар", деб атаганига қарамай, Президент Трамп ушбу қитъада машҳур экани аён бўлган. Айнисса, Кения ва Нигерияда бу жанобни етакчи сифатида севишлари маълум бўлган. Ушбу икки мамлакат АҚШдан иқтисодий кўмак оладиган давлатлар ичида юқори ўринда ҳам туради. Президент Родриго Дутерте олиб бораётган сиёсатни мақтагани учун ҳам жаноб Трампнинг Филиппинда юқори даражада дастаклиниши ажабланарли ҳол эмас.

2017 йилда Доналд Трамп президент Дутертега ўз мамлакатда "ғиёҳвандлик муаммосига қарши ақл бовар қилмас ишларни амалга ошираётгани"ни айтгани туфайли қаттиқ танқидга юз тутган эди. Сабаби 2016 йилда ҳокимиятга келган Роберт Дутерте ғиёҳвандлик савдосига алоқадорликда гумонланган шахсларнинг судсиз ўлдирилишига кўрсатма берганликда қораланиб келинади.

Хулоса қилганда, Pew марказининг ҳисоботида келтирилган рақамларда аксар давлатларнинг Доналд Трампга АҚШнинг бошқа президентларидан кўра анчайин камроқ ишониши яққол кўзга ташланади.

Коронавирус дунёга хавф солмоқда

Хитойда 2019 йил охирида пневмониянинг келиб чиқиши номаълум тури аниқланганди. Тиббиётчиларга кўра, бу коронавируснинг янги тури бўлиб, шу пайтгача 200дан зиёд инсонда касаллик аниқланди, тўрт ҳолатда ўлим кузатилди.



Касаллик бир одамдан бошқасига юқиши мумкинлиги аниқланди. Айни пайтда касаллик Хитойдан ташқарида, хусусан, Жанубий Корея, Япония ва Таиландда ҳам кузатилган.

Ўқитувчилар мусулмон

ўқувчиларни қўллаб-қувватлашди

Швеция шаҳарларидан бирининг маъмурияти томонидан мактабга таълим муассасалари ва бошланғич мактабларда ҳижоб ўрашни тақиқлаш ҳақида чиқарган қарори мамлакат ўқитувчиларининг норозилигига сабаб бўлди. Ушбу тақиқдан сўнг олти нафар педагог ишхонага мусулмонлар ҳижобини ўраган ҳолда келди. Ўқитувчилар шундай ҳаракат билан мусулмон оилаларнинг қизларини қўллаб-қувватлашга қарор қилдилар.

Мактаблардан бирининг раҳбарияти норозилик билдирган ўқитувчиларни қўллашни билдирди ва мэр томонидан қабул қилинган қарор унинг мактабда амал қилмаслигини маълум қилди. "На мен ва на менинг ҳамкасбларим шаҳар мэрининг ҳаракатларини амалга таъбиқ қилишга ҳаракат ҳам қилмаймиз", – деди мактаб директори Маттиас Лидхольм.

Чиқиндингиз ўзингизга сийлов

Малайзия ҳукумати океанга кўп чиқинди ташловчи давлатларга ўзига хос тарзда жавоб қайтарди. Улар тўлқинлар билан етиб келган 13 тонна чиқиндини 150та контейнерга жойлаган ҳолда, сувга чиқинди ташлаган давлатларга қайтариб жўнатди, дейилади Islam.ru хабарига.

Контейнерлардан 43таси Францияга, 42таси Буюк Британияга, 17таси АҚШга, 11таси Канадага ва 10таси Испанияга йўл олди. Қолганлари эса тегишлича Япония, Сингапур, Португалия, Хитой, Бангладеш, Шри-Ланка ва Литвага жўнатилди.

Мамлакатнинг Атроф-муҳит ишлари бўйича вазири Йу Би Ин Малайзия дунё давлатлари учун чиқиндиҳона бўлмаслигини, кимдир шундай қилиш истагида бўлса, бу фақат орзулигини билдирди. Унинг айтишича, мамлакат тез орада яна 110та контейнерда чиқиндиларни "эгаларига" қайтаради. Уларнинг 60таси АҚШга "совга" қилинади.



Саудия Арабистони армиясида биринчи аёллар бўлинмаси пайдо бўлди

Arab News нашрининг хабар беришича, аёлларнинг илк ҳарбий бўлинмасини ташкил этиш ҳақидаги буйруқни қиролликнинг қуролли кучлари генерали Файёд Рувайли берган.

Эслатиш ўринли, Саудия армиясига аёлларни қабул қилиш 2019 йилда қироллик оиласининг махсус фармони билан ташкил этилган.

У.ЙҮЛДОШЕВ тайёрлади

14 МУТОЛАА

Адриан СТОУТЕНБУРГ,
инглиз адиби

сўради у оғайнисидан. Вилли лабини бурди. Унинг юзи чанг-тўзонда оқариб кетганди.

– Машина олднда, – деди. Жон Генри болғасини отиб юборди ва:

– Менга иккита болга олиб келинг, жудаям қизиб кетялман! – деди у. Ҳар икки кўлида болга уришни бошлади. Учқунлар тез-тез учар, болгалар ловулари ёнаётган машъалага ўхшаб қизиб кетганди.

– Биз қандай ишляпмиз, Вилли? – Жон Генри икки соатдан сўнг сўради.

– Машинанинг пармалари синиб кетди, – деди Вилли илжайиб, – Янгисини кўйгунча вақт кетади. Кун пешиндан оғди.

– Узингни қандай ҳис қиялпасан, Жон Генри? – сўради Вилли.

– Халиям чарчаганим йўқ! – деди Жон Генри ва ҳансираб орқасига қараб кўйди.

– Барибир, буғ машинаси машина-да, ютуқни сақлаб қоламан, десанг иш суръатини кучайтиришинг керак, Жон.

– У пўлат машина бўлса, мен пўлат одамман. Темир одам олдда бир буюм, – деди Жон Генри.

Кўёш ҳам ётоғига қараб оғиб борарди. – Жон чидолмайди, – деди биров.

Бошқа биров эса машина чидолмаслигини айттарди. Полли Анна Капин Томмининг мусобақа якунланганини билдириш учун милтиқдан ўт очишини кутарди.

Ҳакамлар буғ машинасию Жон томонидан тешилган тешиклари ҳисоблашга киришди. Капин Томми тоққа тикилиб турган Жон томон юрди:

– Генри, буғ машинасини тўрт феетга ютдинг! – деб кўлини сиқиб табриклади. У хушхабарни эшитди-ю кўллари ёрдамида орқаси билан аранг ерга чўзилди.

– Жон, азизим, яхшимисан? – сўради Полли Анна.

– Мен бироз ўзимга келволай, – деди Генри.

– Кўшиқ айтиб берайми? – сўради Вилли.

– Юрагимда бир кўшиқ бор, Лил, – деди Жон Генри кўёшнинг сўнги шуъаларига тикилиб. – Мен пўлат одамман.

У шундай дея кўзларини юмди. Бирок ўша маҳалда пўлат одамнинг кўзлари мангуа юмилган эди...

Инглиз тилидан
Аббос ЭРМИРЗАЕВ таржимаси

Жанубда Жон Генри ҳақида хануз афсонавий хикояларни айтиб юрадлар. Уларда йигитнинг болғани гоят чапдастик билан ишлатгани ҳақида айтылади.

Генри улғайганида болга уришни кўп машқ қиларди. У қишлоқдаги болаларга нисбатан кўпроқ ишларди.

– Бақувват эркак бўласан, – деди бир куни отаси.

– Болға уриш учун туғилганманда, дада, – деди йигит оғзининг танобини қочиб.

Тунда каравотда ётганида олисан паравознинг сигнални эшитди ва ўша тун у туш кўрди.

– Тушимда поезд йўлида ишлардим. У ерда болғачилар кўп эди, – деди у уйқудан уйғонгач отасига.

Тақдир Генрини олисларга олиб кетди. У тушида кўрганидек поезд йўлига ишлагани кетди. Ишчиларни кузатиб турган бошлиққа учраб, ўзига юмуш излаб юрганлигини айтди.

– Бу хунар билан қанчадан буён шуғулланасан? – сўради бошлиқ. – Шу иш учун яралганман, – деди Жон Генри. Ишчиларнинг уч нафари уни масхараб кўлди.

Жон ерда ётган болғалардан энг оғирини олиб иш бошлади. Ҳамма жим қараб турарди. У болғани понага урди. Ҳар сафар болғани понага урганда учқун чиқарди.

Шу тариха Жон поезд йўлида ҳақиқий пўлат машинадек иш бошлади. Лил Вилли ҳаммаша у билан бирга эди. Лил темир понани жойлаштирарди, Жон эса жон-жаҳди билан уни урарди. Бир неча йилдан сўнг Жон йигирма поундли болғадан фойдалана бошлади. Бир ўзи олти кишининг ишини бажарарди. Одамлар унинг ишлашини томоша қилгани олислардан келарди.

Генри ишлаётганда кўшиқ хиргойи қилар, Лил эса унга жўр бўларди. Бу Жоннинг бахтиёр кунлари эди. Шу кунларда йигит қорақўз, жингалаксоч Полли Аннани учратди. Анна унга турмушга чиқишга рози эди.

Жон Чизапиккию Оҳю темир йўлида ишлаганида ҳам ўша кўрган тушини эсларди. Бир куни эрталаб у ишга келганида, ишчилар ҳаяжон билан йиғилиб турарди. Чизапикки ва Оҳю поезд йўли буйлаб Фарбий Вержиниядаги тоғдан тунел қазиш учун кучли ишчилар кераклигини айтишди. Лил Вилли унга қаради:

– Энг зўрини хоҳлашса, Жон, улар сенга муҳтож, – деди Лил Вилли.

(Хикоя)

ДИЛДАГИ
КЎШИҚ

– Улар сенга ҳам муҳтож, Лил, – деди. Генри Лил Виллисиз ишломасди.

Шундай қилиб улар ишга киришди. Жон етмиш поундли болға билан иш бошлади. У шунақа тез ишлардики, ёрдамчилар болғасини совутгани челақ-челақ сув сепарди. Поли Анна ҳам Фарбий Вержинияга суюлики ёри билан бирга келган эди.

Бир куни тунел хўжайини Капин Томми Генрини кузатиб турганда шаҳарлик киши яқинлашди:

– Аҳволлар яхшими, Капин Томми? – деб сўрашган одам буғ машинаси яратганлигини, у энг тез ишлайдиган ишчидан ҳам кўп ҳаракатлишини айтди. – Жон машинангдан тезроқ ишлайди, – деди унга хўжайин.

– Яхши, ўша ишчи ва буғ машинаси кун бўйи мусобақалашсин. Агар ютса, сизга буғ машинамни бераман, – деди нотаниш одам.

Генри бу мусобақага дарров кўнди. Полли Анна хавотирини яширмади, бироқ суюкли ёри:

– Парво қилма, азизам, – деди Жон – Менда инсон юраги бор!

Мусобақа режалаштирилган куни эрталаб тунелни парзага келтириб буғ машинаси турарди. Операторлар унга ёғ кўйиб созларди. Жон эса болғаси билан тоғнинг чўққисидек савлат тўкиб турар ва унинг елкалари кўёшнинг заррин нурларида ялтирарди.

Капин Томми мусобақани бошлаш учун милтиқдан ўт очди. Отилган ўқ тоғ томонга чийиллаб учиб кетди. Ҳаммаёқ сув куйгандек жимжит эди. Генри болғасини пармага уриб жангиллатди. Ўша вақтда буғ машинаси ҳам бўкириб пишиллади-ю, қаттиқ сигнал чалди ва тоғ жинсларини кемира бошлади. Жон болғасидан бўлак ҳеч нарсага эътибор бермасди.

– Биз қандай ишляпмиз, Лил? –

Мусобақа режалаштирилган куни эрталаб тунелни ларзага келтириб буғ машинаси турарди. Операторлар унга ёғ кўйиб созларди. Жон эса болғаси билан тоғнинг чўққисидек савлат тўкиб турар ва унинг елкалари кўёшнинг заррин нурларида ялтирарди.

▶ ПОКИЗА ҚАЛБ

Дэн ЭНДРИОС

– Дадаси, телевизор бузилиб қолди. Ишдан чарчаб келган эрини шундай шумхабар билан қарши олди аёл. – Нега? Нега бузилиб қолади? – кўзлари хонасидан чиққудек бўлиб сўради эр. – Билмадим? – елка қисди хотин. – Кун бўйи уйда ўтирасан, сен билмасанг, ким билади. Янги телевизор ўз-ўзидан бузилиб қолмайди-ку?!

Эркак овқатга ҳам қарамай телевизор томон югурди. Ҳали у тугмани, ҳали бу тугмани босди, бироқ созлолмади. Ахйир, телевизорнинг орқа қопқоғини очишга қарор қилди.

Яхшилик

– Бу нимаси?

Эрининг ғазаб билан бақирганини эшитган хотин югуриб келди ва телевизорнинг орқаси ачиб-бижиб, қорайиб кетган егуликларга тўлиб-тошганини кўриб, ҳайратдан ёқа ушлаб қолди. Эр-хотиннинг нигоҳи беихтиёр бир бурчақда бу мोजароларга бефарқ ҳолда ўйинчоқ ўйнаб ўтирган қизалоққа қадалди. Айбдор топилди. Ота беш ёшли қизалоқини ёнига чакирди.

– Женни, бу сенинг ишингми? – сўради

у юмшоқ оҳангда.

Қизча бош силкиди.

– Нега бундай қилдинг? – сўради ота қошлари чимириб.

– Оч болаларга овқат бердим.

– Қайси болаларга?

– Африкаликларга.

Отанин кўз олдда очликдан силласи қургин африкалик болаларнинг қиёфаси келди-ю бирдан кўзларига ёш қалқди. У қизалоқини беихтиёр бағрига босди...

Рус тилидан

Шахноза РАҲМОНОВА таржимаси



КАСАБА УЮШМАЛАРИ ҲАЁТИ

НИШОНДОРЛАРИМИЗ

ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИНГ ИЖОБИЙ НАТИЖАЛАРИ

Ижтимоий шериклик. Бу иш берувчи билан касаба уюшмалари кўмитаси ўртасида ташкил этиладиган ва пировардида ходимлар ижтимоий ҳимоясини кучайтиришга хизмат қиладиган ҳамкорликдир. Бу қай даражада аҳамиятли эканлигини биргина Ўзбекистон ахборот технологиялари ва оммавий коммуникация ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгаши ҳамда "Ўзбектелеком" АК касаба уюшмаси кўмитаси ўртасидаги ижтимоий шериклик тамойили асосида олиб борилаётган ишлар мисолида кўриш мумкин.



Ягона жамоа шартномаси орқали ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ҳамда меҳнат соҳасидаги ҳуқуқларини ҳимоялаш, улар бандлигини таъминлаш, меҳнат муҳофазаси йўналишидаги ишлар сифатини ошириш, ходимлар ва уларнинг оила аъзолари турмуш фаровонлигини яхшилаш борасидаги ишлар тизими олиб борилаётгани эришилаётган ижобий самаралар десак, хато бўлмайдди.

Мана шундай натижага эришиш мақсадида вақти-вақти билан семинар йиғилишлари ўтказилиб, масъул ходимларнинг малакалари оширилипти ҳамда галдаги вазифаларни амалга ошириш юзасидан тавсиялар бериб бориляпти. Жумладан, жорий йилнинг 13-17 январ кунлари "Ўзбектелеком" АК тизимидаги филиаллар директорлари ва бош бухгалтерлари учун ташкил этилган ўқув-семинар машғулотларида юқоридаги масалага жиддий эътибор қаратилди. Семинарда республика кенгаши масъул ходимлари ҳам иштирок этишиб, уларга 2019 йил мобайнида Ягона жамоа шартномасида белгиланган вазифаларнинг бажарилиши, айрим ҳолларда йўл қўйилган камчиликлар ва уларни бартараф этиш масалаларида тегишли кўрсатмалар берилди.

Ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлашда жамоа келишувлари ва шартномалари муҳим аҳамиятга эга эканлигини инобатга олиб, уларни янги муддатга қабул қилиш борасида тизимли ишлар амалга оширилипти. Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан Тармоқ келишуви, "Ўзбектелеком" АК Ягона жамоа шартномасининг 2020-2022 йилларга мўлжалланган лойиҳаларини ишлаб чиқиш жараёнида икки

томонлама комиссиянинг дастлабки муҳокамаларини эътиборга олиб, амалдаги имтиёزلарни келгуси йилларда ҳам амалга ошириш режалаштирилди. Ўқув машғулотли иштирокчилари томонидан 2020-2022 йилларга мўлжалланган "Ўзбектелеком" АК Ягона жамоа шартномаси лойиҳасига филиаллар меҳнат жамоалари томонидан берилган таклифлар юзасидан жуда самарали фикр алмашилди.

Келгусида ходимларнинг ҳуқуқий ҳимояси юзасидан ишларни янада самарали олиб бориш учун ўқув-семинар иштирокчиларига Республика кенгаши томонидан ишлаб чиқилган "Корхона раҳбари ва касаба уюшмаси кўмитаси раиси учун эслатма" брошюраси тақдим этилди. Янги тахрирдаги "Касаба уюшмалари тўғрисида"ги қонун мазмун-моҳияти тўғрисида, айниқса, касаба уюшмалари инспекциялари борасида бир қатор тушунтиришлар берилди. 2020 йил мобайнида барча бўғиндаги касаба уюшмалари ташкилотларида ҳисобот-сайловлари ўтказилиши муносабати билан йиғилишларни ижтимоий шериклик тамойили асосида амалга ошириш ҳамда ходимларнинг ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоясини таъминлаш борасидаги ишларни тезкорликда таҳлил этиш, мавжуд муаммоларни зудлик билан бартараф этиш қодир бўлган, меҳнат жамоасида обрў-эътиборга эга, малакали ва ташаббускор ходимларни касаба уюшмаси органлари таркибига сайлаш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Шунингдек, тадбир иштирокчиларига "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили Давлат дастури"нинг бажарилиши юзасидан қисқача маълумот ҳам тақдим этилди.

Бошлангич касаба уюшмаси кўмиталари тегишли иш берувчилар билан ҳамкорликда

Тармоқ, Тариф келишувлари ва жамоа шартномалари асосида олиб борган ижобий ишлари негизда белгиланган режа-тақсимот ортиги билан бажарилишига эришилди. Хусусан, "Ўзбектелеком" АК тизимида кўйидаги ишлар амалга оширилди:

- пенсия ёшидаги шахсларга пенсияга чиқишдан олдин бир йўла моддий ёрдам бериш ва уларни қимматбаҳо совғалар билан тақдирлаш мақсадида жами 263 нафар ходимга 502 млн. 544 минг сўм, шундан 494 млн. 730 минг сўм иш берувчи ҳамда 7 млн. 814 минг сўм касаба уюшмаси маблағи йўналтирилди.

- ходимларни юбилей саналари муносабати билан қимматбаҳо совғалар билан рағбатлантириш мақсадида жами 464 нафар алоқачига 643 млн. 111 минг сўм, шундан 619 млн. сўм иш берувчи ҳамда 24 млн. сўм касаба уюшмаси маблағи сарфланди.

- бугунги кунда кесалик гаптини суратлаган пенсионер алоқа ходимларининг жами 2442 нафарига 356 млн. 796 минг сўм, шундан 292 млн. 796 минг сўм иш берувчи, 64 млн. сўм касаба уюшмаси маблағи ҳисобидан моддий ёрдам кўрсатилди.

Ўтган 2019 йил давомида касаба уюшмалари ташкилотлари томонидан меҳнат қонунчилиги талабларига ҳамда Халқаро меҳнат ташкилотининг асословчи конвенцияларига риоя этиш, иш ҳақининг ўз вақтида тўланиши, энг кам меҳнат ҳақи Ягона тариф сеткасининг биринчи разряди ставкасидан кам бўлмаглиги устидан назоратни кучайтириш, меҳнатга ҳақ тўлаш фонднинг тариф ҳамда тарифга кўшимча қисми ўртасидаги мақбул нисбатни жамоа шартномалари воситида ўрнатилишини таъминлаш ишларига ҳам эътибор қаратилди.

Натижада вазирлик бўйича ўртача ойлик иш ҳақи ўтган йилга нисбатан 1,4 баробарга, ушбу кўрсаткич "Ўзбектелеком" АК бўйича 1,5 баробарга ўсишига эришилди.

Келгусида асосий эътибор "Ўзбектелеком" АК маъмурияти билан ҳамкорликда ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий манфаатлари ва қонуний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоялаш, ҳуқуқий маданиятини ошириш, меҳнат муносабатлари, бандлик ва меҳнат муҳофазасига оид қонун ҳужжатларида назарда тутилган кафолатларни Ягона жамоа шартномаси орқали янада такомиллаштиришга қаратилиши режалаштирилган.

Бажарилган ишларнинг ҳаммаси мавжуд ижтимоий шерикликнинг ижобий самаралари, албатта.

Муборак МИРКАМОЛОВА

"Ўз касбининг устаси" белгиси билан касбига садоқатли, фидойи инсонлар тақдирланади. "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қорақалпоғистон филиалининг Тўртқўл почта алоқаси боғламаси, "Кўчма" алоқа бўлими бошлиғи Бобибек Атажонов жамоада меҳнатсеварлиги билан барчанинг ҳурматиغا сазовор бўлган.

САМАРА ҲАМЖИХАТЛИККА БОҒЛИҚ

— Фаолиятимни 1988 йилдан Тўртқўл почта алоқаси боғламасига қарашли "Намуна" алоқа бўлимидан бошланман. 2016 йилда "Кўчма" алоқа бўлими бошлиғи бўлдим, — дейди ҳамсўҳбатим Б.Атажонов. — Соҳага янгиликларни жорий этишда филиал, боғлама раҳбарлари билан маслаҳатлашган ҳолда, ҳамкасбларим билан биргаликда астойдил меҳнат қилиб келялман.

Боғламадаги ҳар бир ходим мен учун опа-сингил, ака-укадир. Бошлиқ сифатида ходимларнинг ҳаёт тарзи, oilaвий аҳволи билан қизиқиб тураман. Ҳамжиҳатлик бор жойда, албатта, натижалар ҳам аъло бўлади. Чунки мамлакат ривожига ҳисса қўшиш мен ва бошқа касбдошларим учун виждон бурчига айланган.

Бир пайтлар боғлама ва бўлимда даромад олиш анча пасайди. Ўз вақтида транспорт ташуви ва ходимларнинг иш ҳақи берилиши ҳам кечикди. Лекин ўз касбининг усталари — почта хизматига меҳр қўйган изланувчан ва меҳнатсевар ходимларнинг жонқуярлиги билан бугунги кунда яна почта хизматлари сифати яхшиланди. Жорий йилда "Кўчма" алоқа бўлими орқали почта алоқаси бўлимлари локал компьютер тармоғига уланди. Бўлимда ўтган йилнинг сентябр ойидан бошлаб ТҚҚАТ-2 Мунис дастурий тизими барча компьютерларга ўрнатилиб, тўловларни қабул қилиш йўлга қўйилди. Алоқа бўлимларида гибрид почта, шунингдек, фойдаланилган электр энергияси, газ, ичимлик суви, маиший чикинди ҳамда мол-мулк, ер солиқлари тўловлари ҳам қабул қилиняпти.

Давлатбой ЖУМАБОВЕВ, фажрий алоқачи

ТАДБИР

ИНТИЗОМ БОР ЖОЙДА МАСЪУЛИЯТ БЎЛАДИ

Қашқадарё вилоятидаги алоқа соҳаси корхона, ташкилот ва муассасаларида "Ижро интизому ва иш юритиш" мавзусида семинар ўтказилди.

Семинар кун тартибидан соҳа корхоналарига келиб тушган ҳужжатларни қайд қилиш, уларни ижрочиларга етказиш ва назоратга олиш, жавоб қайтариш, йиғма жилдларни шакллантириш, идоравий архивга топшириш, меҳнат муҳофазаси, техника ва ёнгин хавфсизлиги тартиби тўғрисидаги масалалар ўрин олди.

Ўзбекистон Республикаси ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлигининг Қашқадарё вилояти ҳудудий бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шерзод Хушимов ташкилий-фармойиш ҳужжатларини расмийлаштириш тартиби, 2020 йил давомида ижро интизому ва иш юритиш ҳолати юзасидан ўрганишлар ўтказилиши тўғрисида ахборот берди.

Тадбир доирасида "Телекоммуникация транспорт тармоғи" филиалининг Саккизинчи техник боғламаси 1-тоифали муҳандиси З.Аммирхонова, "Ўзбекистон почтаси" АЖ Қашқадарё филиали мутоҳассиси А.Жалилов, "Ўзи-Қарши" филиали муҳандиси Т.Бердиев, Ҳудудий бошқарма бош мутоҳассиси О.Узоқов ва бошқалар ўзларининг бой тажрибалари билан ўртоқлашдилар.

А.ИСМОИЛОВ

Ўтганларнинг охирати обод бўлсин

"Электромагнит мослашув маркази" ДУК жамоаси корхона муҳандиси Жамшид Тошпўлатовга отаси

Абиджон ТОШПЎЛАТОВнинг вафоти муносабати билан ҳамдардик билдиради.

Муҳаммад ал-Хоразмий номидаги Тошкент ахборот технологиялари университети жамоаси университетнинг "Ахборот хавфсизлигини таъминлаш" кафедраси доценти Шерзод Фуломовга падари бузрукворчи

РАЖАБ отанинг вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тог браузерини ўрнатиб олишнинг тўртта муҳим сабаби

Смартфонлар учун илк марта Тог расмий браузерини сентябрда пайдо бўлган эди. Интернетдан фойдаланиш имкониятини берувчи ва унда ҳеч қандай из қолдирмайдиган ушбу браузер узининг махфийлиги ҳақида қайғурмайдиганлар орасида тобора оммаланиб бормоқда. Сабаби – Тог браузерини интернет-фаолликни яшириш учун ўзига хос йўналтиришдан фойдаланади, яъни барча трафик Тог Project сервери орқали ўтади ва анонимлашади. Номини эса кенгайтирилганда The Onion Router бўлиб, "Приват-йўналтирувчи" маъносини билдиради.

Дастилаб ушбу сервис ҳарбий мақсадларда ташкил этилган, лекин кейинчалик оммавий фойдаланишга топширилган. Ҳалиям Тог браузеридан фойдаланиб кўрмаганлар ва афзалликларини билмайдиганлар учун қуйида унинг тўртта муҳим ўзига хослигини маълум қиламиз.

Изингизни қузата олишмайди

Тог браузеридан фойдаланганда, ҳар гал интернетга киришда махфийлик ва анонимлик таъминланади. Ушбу дастурий таъминот тармоқда шахсни билдирмасдан туриб барча стандарт ҳаракатларни амалга ошириш имконини беради.

Маълумотлар алмашиш учун Тог кўп бошқичли шифрлашдан фойдаланади, бунда юзюкнинг IP-манзили шифрланади ва кетма-кет учта сервер занжиридан ўтади. Ушбу серверлар маълумотлар тўпланими ўз навбати билан шифрдан чиқариб ўтказишга ва, учинчи серверга келганида, фойдаланувчи қайси сайтда бўлганини аниқлашнинг имкони қолмайди. Браузернинг бундай ишлаш схемаси сизнинг буткул аноним қолишингизга имкон беради, айни пайтда сайтларга киришингиз тарихини бошқалар кузатишларига йўл қўймайди. Ҳаттоки ўзингизнинг интернет-провайдерингиз ҳам сизнинг қайси сайтларга киришингизни аниқлай олмайди.

Жойлашувингизни яшириб беради

Тог браузерининг ишлаш тизими интернет-трафикни шифрловчи кўп сонли серверлар билан боғланган. Улар нафақат фойдаланувчининг қайси сайтларга кириши, балки интернетга қардан кираётганини ҳам бегона кўзлардан яширади.

Локацияни шифрлаш орқали фойдаланувчининг буткул анонимлиги таъминланади: маълумотлар тўплами ўтадиган ҳар бир сервер шифрлашнинг



муайян битта қатламини ечади ва бошқа сервернинг жойлашувини аниқлай олмайди. Серверларни кузатиш имкони йўқлигининг яна бир сабаби – улар тасодифий тартибда танланади; уларнинг умумий сони эса етти миңгача бўлиб, Ер юзининг Антарктидадан бошқа барча қитъаларида жойлашган!

Шунча имкониятлар – барчаси бепул!

Тог браузерини расмий сайтидан (агар очилмаса, VPN орқали кириш) мутлақо бепул юклаб олиб ўрнатиш мумкин. Браузер жами 15 тилда интернетга эга, шулар орасида рус тили ҳам бор.

Чекланган сайтларга ҳам kira оласиз

Тог браузерини нафақат сизни кузатувлардан ҳимоялайди, балки провайдер томонидан кириш чеклаб қўйилган сайтларни ҳам очиб имконини беради. Туриш сабабларга кўра, айрим ҳудудлардан кириш ёпиб қўйилган ресурсларга ушбу илова ёрдамида муаммосиз кириш мумкин.

Ў ИБРАТ

ОНАНГНИНГ УЙИДА ТУРИБСАН!

- Рухсатингиз билан, шайхим, саволим бор эди.
- Беравер.
- Онам меникида оилам билан турадилар...
- Саволингиз бер!
- Онам меникида оилам билан турадилар...
- Саволингиз бер, дедим!
- Шайхим, мен савол учун икки марта гап бошладим, сиз гапимни бўлиб яна савол сўраяпсиз?
- Сен оиланг билан онангнинг уйида турибсан! Онанг эмас!! Энди саволингиз бер!
- Бўлди, шайхим, тушундим...



БИЛАСИЗМИ?

Ер юзидаги барча болаларни ўқитиш учун 22 миллиард доллар талаб қилинади.



АҚШда болаларнинг кўпи августда, Россияда эса сентябрда туғилади.



Кўпинча тушлар ижобий ҳис-туйғуларни эмас, балки салбий нарсаларни намоён қилади.

Қадимги Мисрда "Нил" сўзи сув деган маънони англатган.



Голландияда, агар айбловлар нотўғри бўлса, сизга полициячига тупуриш ҳуқуқи берилади.

Сўнги беш асрда сайёрамизнинг массаси бир миллиард тоннага ошган.



Гиперион – дунёда энг баланд дарак. Унинг баландлиги 115,6 метрни ташкил этади, тахминий ёши эса 800 йилга тенг.

Сигирлар зинадан фақатгина кўтарилишлари мумкин, аммо қайтиб туша олмайдилар.



Хавфсизлик ёстиги 25-30 миллисекундда тўлиқ шишади. Таққослаш учун, кўзни юмиб очиб 100 миллисонияни ташкил этади.

Олимлар эрталаб ётоқда ётиш ва ҳеч қандай жойга шашилмаслик психологик саломатлик учун фойдали эканлигини исботладилар.

Нью-Йорк автоуловларга рақамларни жорий этган биринчи штат бўлган.



Эрдан SMS: - Хотин, ишхонада обгимни темир қисиб қолди, Мафтуна шифохонага олиб келди, обгимни кесишар экан.

Хотиндан SMS: - Мафтуна ким?!

Бир одам тишини олдириб келибди. Шериги сўрабди: - Тишинг ҳалиям оғриятими? - Билмадим, дўхтир олиб қолди.

Advertisement for Xabar magazine containing contact information, subscription rates, and editorial details.